



Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги КОНВЕНЦИЯ



**Ногиронлар ҳуқуқлари түғрисидаги
КОНВЕНЦИЯ**

УДК 349.3 (575.1)

КБК 67.412.2

С21

Ногиронлар хукуклари тўғрисидаги Конвенция — Toshkent: Baktria press, 2013, 56 б.

Мазкур нашрнинг асосий мақсади давлат идоралари, жамоатчилик, ННТлар ва ОАВЛАрини БМТнинг “Ногиронлар хукуклари тўғрисидаги Конвенция” ҳамда “Ногиронларнинг хукуклари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол” фоялари ва қоидалари билан танишишириши. Шу билан бирга, ногиронлиги бор одамларнинг ҳукуқ ва манфаатларини илгари суришда ҳамда Конвенцияни ратификация килинишига, келажакда ушбу хужжатга доир хисобдорлик ва мониторинг масалаларида қўмаклашишдадир.

Нашр ахолининг кенг доираси учун мўлжалланган бўлиб, ногиронлиги бор одамларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича халкаро стандартлар билан бевосита танишиш, миллий нормаларни уларга мувоффиклаштириш бўйича кўшимча қора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилиши шубҳасизdir.

Ўзбекистонда биринчи маротаба давлат тилида нашр этилаётган БМТнинг “Ногиронлар хукуклари тўғрисида”ги Конвенция ҳамда “Ногиронларнинг хукуклари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол” Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт Дастурининг “Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик” кўшма лойиҳаси доирасида ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

КБК 67.412.2

Нашр ўзбек тилида чоп этилган.

Бепул тарқатилади.

Нашрнинг электрон кўринишдаги нусхаси Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази www.nhrc.uz, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлигининг www.mehnat.uz ва БМТДнинг www.undp.uz сайтларида жойлаштирилган.

© Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2013 й.

© Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, 2013 й.

© БМТД, 2013 й.

© Baktria press, 2013 й.

ISBN 978-9943-4242-7-2

Мундарижа

Ногиронлар — халқаро хуқуқ ҳимоясида (сўз боши ўрнида)	5
Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция	12
Ногиронларнинг хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол	49

Ногиронлар — халқаро ҳуқуқ ҳимоясида (сўз боши ўрнида)

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёхуд бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ёхуд табақавий ёки бошқа шароитидан қатъи назар, барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бу ногиронларга ҳам бевосита ва тўла тааллуклидир.

Шу билан бирга ногиронлик бузилган саломатлик ҳамда муносабат ва мухит тўсиқлари ўзаро муносабатлари натижаси бўлиб, бу ногиронларни жамият ҳаётида бошқалар билан teng ва самарали иштирок этишига ҳалақит беради. Халқаро ҳамжамият буни ҳисобга олган ҳолда, ногиронларнинг ўзига хос хусусиятларини хурмат қилиш ва буни инсоний турфа хилликнинг таркиби ва инсониятнинг узвий ажралмас бир қисми сифатида қабул қилиш, уларнинг жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрдаги 61/106-резолюцияси билан қабул қилинган “**Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция**” ҳамда “**Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол**” ана шу халқаро ҳужжатларнинг асосийлари ҳисобланади. Уларда ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан teng равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш тамойиллари белгилаб қўйилган.

Ушбу Конвенцияда ногиронларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан teng равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўzlари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган. Бунда, айниқса,

ногирон аёллар, болалар ва кексалар хукуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, ушбу Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатларнинг ногиронларнинг мустақил турмуш кечиришлари ва турмушнинг барча жабхаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари учун уларнинг бошқалар билан тенг равишда ижтимоий мухитдан, транспорт, аҳборот ва алоқа, шу жумладан аҳборот-коммуникация технологиялари тизимидан, шаҳарларда ва кишлоқ жойларида аҳоли учун тақдим этиладиган бошқа обьектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари кўрсатилган.

Конвенцияда қайд этилган қоидаларга риоя этилиши ва иштирок этувчи давлатларнинг мазкур масала бўйича мажбуриятларининг ижросини таъминлашни мувофиқлаштириш ва бунинг мониторингини амалга ошириш мақсадида **БМТнинг Ногиронлар хукуқлари бўйича қўмитаси** ташкил этилган.

“Ногиронларнинг хукуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол”да ушбу Қўмитанинг ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг ёки шахслар гурухининг ёхуд улар номидан ушбу иштирок этувчи давлат томонидан Конвенция қоидалари бузилишининг жабрдийдалари эканлиги тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиши ваколатлари белгилаб қўйилган.

“Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги Конвенция”ни қабул қилишдан ногиронларга янада тенг имкониятларни таъминлаш учун миллый, минтақавий ва халқаро даражалардаги стратегиялар, режалар, дастурлар ва тадбирларни рағбатлантириш мақсади кўзланганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси хукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги Конвенция”сини имзолаган. Мамлакатда ногиронларнинг барча хукуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам хукуқий асослари ҳам яратилган. 2008 йилда мамлакат парламенти янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилганлиги, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, бошқа норматив-хукукий хужжатлар қабул қилинганлиги ва улар ижроси сабитқадамлик билан таъминланаётганлиги — бунинг яққол далолатидир.

Мазкур амалдаги қонунчиликка мувофиқ, давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида, уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимояга бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари амалга оширилишини, уларнинг жамият билан уйғунлашиши учун шароитлар яратилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлади.

Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

биринчидан, ногиронларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

иккинчидан, ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

учинчидан, ногиронларнинг шаъни ва қадр-кимматини ҳимоя қилиш;

тўртинчидан, ногиронларнинг хукуқлари ва улар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш;

бешинчидан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

олтинчидан, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимими, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим олишини таъминлаш;

еттингчидан, давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг ногиронлар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ошкоралигини ҳамда очик-ойдинлигини таъминлаш;

саккизинчидан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Мамлакатда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

Ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда,

экстернат, масофадан ўқитиши, давлат таълим стандартлари асосида оиладаги таълим ва мустақил таълим шаклларида амалга оширилади. Уларнинг умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Тошкент ва Фарғона шаҳарларидағи ўрта маҳсус таълим муассасалари имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига айлантирилган.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар, цехлар ва участкалар ташкил этилади. Кўзи ожиз ногиронлар шароитлари ўз имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришда иштирок этишда имтиёзли ҳуқуқка эгалар.

Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камидаги уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди. Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун корхона, муассаса ва ташкилотга ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра, ногироннинг соғлиги касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин, илгариги ишига ёки шунга teng ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Агар ходим иш берувчининг айби билан ногирон бўлиб қолса ҳамда ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтоҷ бўлса, унда иш берувчи

ногирон меҳнат қобилиятини йўқотган даврда уни тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссияларининг хуносасига биноан, парвариш қилаётган шахсни ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, ҳом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистонда ногиронларга ижтимоий ёрдам пул тўловлари (пенсиялар, нафакалар, бир йўла бериладиган тўловлар), техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндикли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, маҳсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш, тиббий, қасбий, ижтимоий реабилитация қилиш, маиший ва транспорт хизматлари кўрсатиш, дори воситалари билан таъминлаш каби турларда кўрсатилади.

Ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтоҷ ногиронларга туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан уйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларида тиббий ва маиший хизматлар кўрсатилади.

Ўзбекистонда биринчи марта давлат тилида нашр этилаётган “**Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция**” ҳамда “**Ногиронларнинг хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол**” ногиронларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича халқаро стандартлар билан бевосита танишиш, миллий нормаларни уларга мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилиши шубҳасизdir.

А. САИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор,
Инсон хуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси миллий маркази
директори

Ногиронлик бўйича Жаҳон Ҳисоботининг маълумотига кўра, дунёда бир миллиарддан ортиқ турли ногиронлиги бор одамлар яшайди. Бу эса ер юзи умумий аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилган бўлиб, “дунёнинг энг йирик озчилиги”дир. 2006 йилда БМТ Бош Ассамблеяси БМТ Ногиронлар Ҳукуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясини (UNCRPD) ва ногиронлиги бор одамларнинг ҳукуқларини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган Факультатив Протоколини қабул қилди. У 2008 йилда кучга кирди. Конвенция йигирма биринчи асрда қабул қилинган инсон ҳукуқлари тўғрисидаги биринчи шартнома; ҳалқаро қонун тарихида инсон ҳукуқлари тўғрисидаги энг тез келишилган шартнома; ва интернет орқали олиб бориладиган кенг миқёсдаги консультациялардан келиб чиккан биринчи шартнома хисобланади. БМТ Ногиронлар Ҳукуқларини ҳимоя қилиш Конвенцияси (UNCRPD) ўзининг имзолаш учун очилган кунида бошлаб ҳар қандай бошқа инсон ҳукуқлари тўғрисидаги Конвенциялардан ҳам кўпроқ имзоларни қабул қилди.

Конвенция янги инсон ҳукуқларини ўрнатмасада, давлатларга ногиронлиги бор одамларга нисбатан, ўта аниқлик билан, уларни хурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва қўллаш мажбуриятларини кўрсатиб беради. Мавжуд инсон ҳукуқлари тўғрисидаги Конвенциялар ногиронлиги бор одамларнинг ҳукуқларини қўллаш ва ҳимоя қилишда айтарли имкониятларни таклиф қилган бўлса ҳам, лекин маълум бўлди-ки, бу салоҳиятдан фойдаланилмади. Ҳақиқатдан, ногиронлиги бор одамларнинг инсон ҳукуқларини инкор қилишда давом этдилар ва улар дунёнинг барча нуқталарида жамиятнинг бир четида сакланиб келдилар. Бундан, Конвенция нафақат давлатлар томонидан ногиронлиги бор одамларни камситилмасликларини аниқлаштириб беради, балки улар жамиятда қадр-қиммати билан ҳаётдан завқлана олишлари учун қулай шароитлар яратиб беришда кўплаб қадамларни баён қиласди. Шундай қилиб, Конвенция, бошқа инсон ҳукуқлари шартномаларидан фарқли ўлароқ, давлатлар томонидан камситилишни тақиқлаш ва ҳамма учун тенг ҳукуқликка эришиш борасида чора-тадбирларни ўрнатиш йўлида янада чукурроқ ёндошишга имкон яратиб беради.

2013 йил июн ойи холатига кўра, БМТга аъзо 192 та давлатлардан 130 та мамлакат Ногиронлар Ҳукуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясини тасдиқлади ва 155 та мамлакат уни имзолади. Ўзбекистон Ногиронлар

Хукуқларини химоя қилиш Конвенциясига 2009 йил 27 февралда имзо чекди.

Ўша пайтдан бошлаб, Ўзбекистон хукумати ногиронлиги бор одамларнинг хукуқларини қўллаб-қувватлаш йўлида йирик муваффакиятларга эришди. Ногиронлиги бор одамларнинг йиллик бандлик ҳисоби уч бараварга, яъни 2008 йилда 2200 кишидан 2012 йилда 7500 кишигача ошди. Ногиронлиги бор одамларнинг инсон хукуқларига эга эканликлари алоҳида таъкидланиб, тайёрланган оммавий ахборот маҳсулотлари миқдори эса 2008 йилга нисбатан уч баробарга купайди. Хукумат қарорлари ногиронлиги бор одамлар учун биноларга киришлари, қўчалар ва транспорт воситаларидан фойдаланишлари, уларнинг майший ва бошка хизмат турларидан фойдаланишлари, таълим ва бандликка эга бўлиш хукуқларини имкониятларини яратди.

БМТ Тараққиёт Дастири Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкори сифатида бу каби ютуқларга ва сайи-харакатларга ҳисса қўшганлигидан фаҳрланади. Миллий ҳамкорлари билан биргаликда, Ўзбекистондаги БМТТД ижтимоий корхоналарни ва ногиронлиги бор одамлар учун бандлик масалаларида кулай шароитлар яратиб берувчи хизматларни ҳамда уларнинг тўла ижтимоий интеграциясига қаратилган ижтимоий хизматларни жорий қилди ва уни қўллаб қувватлади.

Ишонаманки, бу каби тарихий хужжатнинг ўзбек тилида чоп этилиши ва бутун мамлакат миқёсида мухокама қилиниши Ўзбекистондаги БМТ Ногиронлар Хукуқларини химоя қилиш Конвенцияси (UNCRPD)-нинг тасдиқланиши ва фаолиятини амалга ошириши учун қўшимча рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласади.

С. Приснер,

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили,
БМТТДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили

Ногиронлар хуқуқлари тұғрисидаги Конвенция*

*Бош Ассамблеяның 2006 йил 13 декабряның
61/106 резолюциясы билан
қабул қилинган*

Муқаддима

Ушбу Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар,

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган инсоният оиласининг барча аъзоларига хос қадр-қиммат ва қадриятлар ҳамда уларнинг teng ва ажralmas ҳуқуқлари принциплари озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси деб эътироф этилишини эслатиб,

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги халқаро пактларда хар бир инсон ушбу хужжатларда кўзда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликларга ҳеч қандай тафовутсиз эгалик қилишини эълон қилганлиги ва мустаҳкамлаб кўйганлигини *тан олиб*,

с) инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ялпилиги, ажralmasлиги, ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алокадорлигини, шунингдек ногиронларга улардан камситилмасдан тўла фойдаланиши зарурлигини *тасдиқлаб*,

д) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тұғрисидаги халқаро Конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тұғрисидаги Конвенция, Қийноқка солиш ва шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган бошқа муомала ва жазолашга қарши Конвенция, Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция ва Барча муҳожир меҳнаткашлар ва улар оиласлари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисидаги халқаро Конвенцияга ҳавола қилиб,

е) ногиронлик — бу тадрижий ривожланиб борувчи тушунча, ногиронлик бузилган саломатлик ҳамда муносабат ва муҳит түсіклари

* Final report of the Ad Hoc Committee on a Comprehensive and Integral International Convention on the Protection and Promotion of the Rights and Dignity of Persons with Disabilities [A/61/611 - PDF, 117KB]

ўзаро муносабатлари натижаси бўлиб, ва бу уларнинг жамият ҳаётида бошқалар билан тенг ва самарали иштирок этишига ҳалақит беришини *тан олиб*,

f) Ногиронларга нисбатан жаҳон харакат дастури ва Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш стандарт қоидаларида қайд этилган принциплар ва дастурамал мўлжаллар ногиронларга янада тенг имкониятларни таъминлаш учун миллий, минтақавий ва халқаро даражалардаги стратегиялар, режалар, дастурлар ва тадбирларни рағбатлантириш, расмийлаштириш ва баҳолашга таъсири нуқтаи назаридан муҳимлигини *тан олиб*,

g) ногиронлик муаммоларини барқарор ривожланиш стратегиясининг тегишли таркибий қисмлари сифатида долзарблаштириш муҳимлигини *таъкидлаб*,

h) шунингдек, ҳар қандай шахсни ногиронлик белгиси бўйича камситиши инсон шахсига хос қадр-кимматни хўрлаш эканлигини *тан олиб*,

i) шундан кейин ногиронликнинг кўп турлилигини *тан олиб*,

j) барча ногиронларнинг, шу жумладан фаолроқ қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ бўлганларнинг хукуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг зарурлигини *тан олиб*,

k) ушбу турли хужжатлар ва ташабbusларга қарамасдан ногиронлар жамият ҳаётида тенг хукуқли аъзолар сифатида иштирок этиш йўлида тўсиқларга дуч келиши давом этаётганлигидан ҳамда жаҳоннинг барча қисмларида уларнинг инсон хукуқлари бузилаётганлигидан *ташивишланиб*,

l) ҳар бир мамлакатда, айниқса ривожланаётган мамлакатларда ногиронлар турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик муҳимлигини *тан олиб*,

m) ногиронларнинг маҳаллий ҳамжамиятларнинг умумий фаровонлиги ва турфа хиллигига ҳозирги ва келажақдаги қимматли ҳиссасини ҳамда ногиронлар томонидан ўзларининг инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини тўла амалга оширишларига ёрдам бериш, шунингдек ногиронларнинг тўлақонли иштирок этиши уларда дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш ва жамиятнинг инсон тараққиёти, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида салмоқли муваффакиятларга эришиш ҳамда қашшоқликка барҳам бериш имконини *тан олиб*,

n) ногиронлар учун уларнинг шахсий мустақиллиги, шу жумладан ўз мустақил танловининг эркинлиги муҳимлигини *тан олиб*,

о) ногиронлар стратегиялар ва дастурлар, шу жумладан бевосита уларга тааллукли стратегия ва дастурлар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари керак деб *ҳисоблаб*,

р) ногиронлар ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, диний, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллӣ, этник, абориген ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати, тугилиши, ёши ёки бошқа хусусиятлари белгиси бўйича жуда кўп ва кескин шаклдаги камситишга дуч келишлари билан боғлик оғир шароитларидан *ташивишланиб*,

q) ногирон аёллар ва ногирон қизлар уйларида ҳам, уйлари ташқарисида ҳам кўпинча зўравонлик, жароҳатланиш ёки тажовуз қилиш катта хавфига, хурматсизлик ёки кўпол муносабатга, ёмон муомала ёки эксплуатацияга дуч келишларини *тан олиб*,

r) ногирон болалар инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан бошқа болалар билан тенг ҳолда тўла ҳажмда фойдаланишлари кераклигини *тан олиб* ва шу муносабати билан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни *эслатиб*,

s) ногиронларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўла фойдаланишларига ёрдам бериш бўйича барча саъй-ҳаракатларда гендер хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини *таъкидолаб*,

t) ногиронларнинг кўпчилиги қашшоқлик шароитида яшашларини *таъкидолаб* ва шу муносабат билан ногиронларга қашшоқликнинг салбий таъсири муаммоси билан шуғулланиш ўта зарурлигини *тан олиб*,

u) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлланила оладиган шартномаларда баён этилган мақсад ва принципларини тўла ҳурмат қилишга асосланган тинчлик ва хавфсизлик вазияти ногиронларни, жумладан қуролли можаролар ва чет эл босқинчилиги даврида тўла ҳимоя қилишнинг сўзсиз шарти эканлигини *эътиборга олиб*,

v) жисмоний, ижтимоий, иқтисодий ва маданий мухитдан, соғлиқни сақлаш ва таълимдан, шунингдек ахборот ва алоқадан фойдаланиш имконияти мухимлигини, чунки бу ногиронларга барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланиш имконини беришини *тан олиб*,

w) ҳар бир алоҳида инсоннинг бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоа олдида мажбуриятларга эга эканлигини ва у Инсон ҳуқуқлари

халқаро биллида тан олинган хукуқларни рағбатлантириш ва уларга риоя этилишига эришишга интилиши кераклигини *эътиборга олиб*,

х) оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси эканлигини, у жамият ва давлат томонидан муҳофаза қилиниш хукуқига эгалигини ҳамда ногиронлар ва улар оиласарининг аъзолари оиласарга ногиронлар хукуқларидан тўла ва тенг фойдаланиш ишига ҳисса қўшиш имконини берадиган зарур ҳимоя ва ёрдамга эга бўлишларига *комил ишончда*,

у) ногиронларнинг хукуклари ва қадр-қимматларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги ялпи қамровли ва яхлит Конвенция ногиронларнинг аброр ижтимоий аҳволларига барҳам беришга ҳамда уларнинг ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда фуқаролар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда тенг имкониятларга эга бўлган ҳолда иштирок этишларини кенгайтиришга *комил ишончда*, куйидагиларга рози бўлишди:

1-модда

Мақсад

Ушбу Конвенциянинг мақсади барча ногиронларнинг инсоннинг барча хукуклари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ҳамда тўла ва кенг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек уларга хос қадр-қимматни хурмат қилишни рағбатлантиришdir.

Ногиронларга турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг ҳолда жамият ҳаётида тўла ва самарали иштирок этишига ҳалақит берадиган барқарор жисмоний, психик, интеллектуал ёки сенсор¹ бузилишлари бўлган шахслар тааллуқлидир.

2-модда

Тушунчалар

Ушбу Конвенция мақсадлари учун:

“муомала” — тиллардан, матнлардан, Брайль алифбоси, тактил² муомаласи, йирик шрифт, фойдаланиш имконияти бўлган мульти-

1 Сенсор (инглизча “sensor”) — ўлчаш, сигнал бериш, мувофиқлаштириш, бошқариш тизими үнсур (ушбу ва кейинги шарҳлар таржимонники).

2 Тактил (лотинча “tactilis” — “англанадиган” сўзидан) — бу ерда ногиронлар англашини осонлаштирадиган Брайль алифбосида бўртма тарзда тайёрланадиган лавҳалар назарда тутилмоқда.

медиа воситалари, айни вақтда босма материаллар, аудиовоситалар, сұхандонларнинг одатий тили, шунингдек мұомалани кучайтирувчи ва мүқобил усуулари, воситалари ва шакллари, шу жумладан фойдаланиш имконияти бўлган ахборот-коммуникация технологияларини камраб олади;

“тил” — оғзаки ва ишора тилларини ҳамда оғзаки бўлмаган тилларнинг бошқа шаклларини қамраб олади;

“ногиронлик белгиси бўйича камситиш” — мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаро ёки хар қандай бошқа соҳада бошқалар билан тенг ҳолда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг эътироф этилиши ёки амалга оширилишини камситадиган ёки рад этадиган хар қандай тафовут, истисно ёки чеклашни англатади. У камситишнинг барча шаклларини, шу жумладан оқилона мослаштиришдан воз кечишни қамраб олади;

“оқилона мослаштириш” — ногиронларнинг бошқалар билан тенг равища барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш мақсадларида аниқ бир ҳолатда зарурат бўлганда мос келмайдиган ёки оқланмайдиган юк бўлмайдиган зарур ва мувофиқ модификациялар ва тузатишлар киритишни англатади;

“универсал дизайн” — барча одамлар учун мослаштириш ёки маҳсус дизайнни талаб этмайдиган ҳолда энг юқори имконият даражасида яроқли қилишга даяват этилган буюмлар, шароит, дастур ва хизматлар дизайнини англатади. “Универсал дизайн” зарурат бўлганда аниқ бир ногиронлар учун ассистив¹ қурилмаларни истисно этмайди.

3-модда

Умумий принциплар

Ушбу Конвенциянинг принциплари қуйидагилардан иборат:

- а) инсонга хос бўлган қадр-қимматни, унинг шахсий мустақиллиги, шу жумладан мустақил танлови эркинлигини ҳамда мустақиллигини хурмат қилиш;
- б) камситмаслик;
- с) жамиятга тўла ва самарали жалб этиш ва қўшиш;

¹ Assist (лотинча “assist” — “мавжуд бўлган” сўзидан) — бу ерда ногиронларга нарсаларни англашда ёрдам берадиган белгилар ҳақида гап боряпти.

- d) ногиронларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш ва буни инсоний турфа хилликнинг таркиби ва инсониятнинг бир қисми сифатида қабул қилиш;
- e) имкониятларнинг tengлиги;
- f) тўсиксиз фойдаланиш;
- g) эркаклар ва аёлларнинг tengлиги;
- h) ногирон болаларнинг ривожланаётган қобилиятларини ҳурмат қилиш ва ногирон болаларнинг ўз шахсий хусусиятларини сақлаб қолиш хукукини ҳурмат қилиш.

4-модда

Умумий мажбурияятлар

1. Иштирок этувчи давлатлар барча ногиронлар томонидан ногиронлик белгиси бўйича ҳеч қандай камситишиз инсоннинг барча хукуқларини амалга ошириш ва асосий эркинликларини тўла таъминлаш ва рағбатлантириш мажбуриятини олади. Шу мақсадда иштирок этувчи давлатлар қўйидаги мажбурияятларни олади:

- a) ушбу Конвенцияда ётироф этиладиган хукуқларни амалга ошириш учун барча зарур қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш;
- b) ногиронларга нисбатан камситиш хусусиятига эга мавжуд қонунлар, карорлар, урф-одатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча зарур чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;
- c) барча стратегиялар ва дастурларда ногиронлар хукукларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ҳисобга олиш;
- d) Ушбу Конвенцияга тўғри келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки усуслардан тийилиш ҳамда давлат органлари ва муассасалари ушбу Конвенцияга мувофиқ иш тутишларини таъминлаш;
- e) ҳар қандай шахс, ташкилот ёки хусусий корхона томонидан ногиронлик белгиси бўйича камситишни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш;
- f) ногиронларнинг аниқ эҳтиёжлари учун мослаштириш иложи борича кам ўзгартириш ва ҳаражат талаб қиласидаган товарлар, хизматлар, жиҳозлар ва универсал дизайн обьектларининг (ушбу Конвенциянинг 2-моддасида белгилаб қўйиладиган) илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш, уларнинг мавжуд бўлишига ва улардан фойдаланишга ёрдам бериш,

шунингдек стандартлар ва кўрсаткич мўлжалларини ишлаб чиқиша
универсал дизайн тоғасини илгари суриш;

g) ногиронлар учун мос тушадиган янги технологиялар, шу жумладан
ахборот-комуникация технологиялари, харакатчанлик, қурилмалар ва
ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситаларнинг илмий-
тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлан-
тириш, бунда арzon технологияларга биринчи даражали эътибор бериш;

h) харакатчанлик, қурилмалар ва ассистив технологияларни енгиллашти-
радиган воситалар, шу жумладан янги технологиялар, шунингдек ёрдам
кўрсатиш, қўшимча хизматлар ва объектлар тўғрисида фойдаланиш
имконияти бўлган ахборотларни ногиронларга тақдим этиш;

i) ушбу Конвенцияда эътироф этилган хукукларни мазкур хукукларда
кафолатланган ёрдам ва хизматларни тақдим этишини такомиллашти-
риш учун мутахассислар ва ногиронлар билан иш олиб борадиган
персонални ўқитишни рағбатлантириш.

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукукларга келганда, ҳар бир
иштирок этувчи давлат мазкур хукукларни ушбу Конвенцияда белгилаб
берилган мажбуриятларга зиён етказмаган ҳолда босқичма-босқич тўла
амалга оширишга эришиш учун ўзида мавжуд бўлган ресурслардан иложи
борича тўлиқ фойдаланиш, зарурат бўлганда эса ҳалқаро ҳамкорликдан
фойдаланиш мажбуриятини олади.

3. Ушбу Конвенцияни амалга оширишга йўналтирилган қонунчилик
ва стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллашда ҳамда ногиронларга таалукли
масалалар бўйича қарор қабул қилишнинг бошқа жараёнлари доирасида
иштирок этувчи давлатлар ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар
билан яқиндан маслаҳатлашиш ҳамда уларни ўзларининг вакилликлари
орқали бу ишга фаол жалб этиш чораларни кўради.

4. Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир нарса иштирок этувчи давлатлар-
нинг қонунларида ёки мазкур давлатда амал қиласидиган ҳалқаро хукук
нормаларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ногиронлар хукукларини
амалга оширишга кўпроқ даражада ёрдам берадиган бирор қоидага
дахли йўқ. Ушбу Конвенцияда иштирок этувчи қайсиdir бир давлатда
эътироф этиладиган ёки мавжуд бўлган инсоннинг қайсиdir хукуклари ва
асосий эркинликларини бу хукуклар ёки эркинликлар ушбу Конвенцияда
эътироф этилиши ёки кичикроқ ҳажмда эътироф этилиши сабаби билан
ҳеч кандай чеклаш ёки камситишга йўл қўйилмайди.

5. Ушбу Конвенциянинг қоидалари федерал давлатларнинг барча қисмларига бирор чеклашларсиз ёки қисқартиришсиз ҳолда амал этади.

5-модда

Тенглик ва камситмаслик

1. Иштирок этувчи давлатлар барча шахслар қонун олдида тенг эканлигини ва унга кўра қонун томонидан бирор камситишсиз тенг ҳимояланиш ҳамда ундан тенг фойдаланиш ҳукуқига эгалигини тан олади.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситишни ман этади ҳамда ногиронларга ҳар қандай асосда камситишдан тенг ва самарали ҳукукий ҳимояни кафолатлайди.

3. Иштирок этувчи давлатлар тенгликни рағбатлантириш ва камситишни бартараф этишда оқилона мослашишни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

4. Ногиронларнинг амалдаги тенглигини таъминлашни тезлаштириш ёки бунга эришиш учун зарур бўлган барча аниқ чоралар ушбу Конвенция маъноси бўйича камситиш ҳисобланмайди.

6-модда

Ногирон аёллар

1. Иштирок этувчи давлатлар ногирон аёллар ва ногирон қизлар жуда кўп камситилишини тан олади ва шу муносабат билан улар томонидан барча инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини тўла ва тенг амалга оширилишини таъминлаш учун чоралар кўради.

2. Иштирок этувчи давлатлар аёлларга ушбу Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини амалга оширишни кафолатлаш учун аёлларнинг аҳволини яхшилаш, ҳукуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

7-модда

Ногирон болалар

1. Иштирок этувчи давлатлар ногирон болаларнинг барча инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини бошқа болалар билан тенг равишда тўла амалга оширилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

2. Ногирон болаларга нисбатан барча саъй-ҳаракатларда боланинг олий манфаатларига биринчи даражали эътибор қаратилади.

3. Иштирок этувчи давлатлар ногирон болалар ёшларига ва етуклигига мувофиқ бўлган зарур салмоқ оладиган ўз қараашларини бошқа болалар билан тенг равишда эркин ифода этиш хукуқига эга бўлишларини ҳамда ушбу хукуқларни амалга ошириш учун ногиронликлари ва ёшига мос бўлган ёрдамни олишларини таъминлайди.

8-модда

Маърифий-тарбиявий иш

1. Иштирок этувчи давлатлар қуидагиларга эришиш учун кечиктириб бўлмайдиган, самарали ва зарур чораларни кўриш мажбуриятини олади:

а) бутун жамиятнинг, шу жумладан оила даражасида ногиронлик масалалари бўйича билимини ошириш ҳамда ногиронларнинг хукуқ ва қадр-қимматини хурмат қилишни мустахкамлаш;

б) ногиронларга нисбатан турмушнинг барча жабҳаларида, шу жумладан жинси ва ёши асосидаги ақидалар ва заарли одатлар билан кураш олиб бориш;

с) ногиронларнинг салоҳияти ва ҳиссасини тарғиб этиш.

2. Шу мақсадда кўрилаётган чоралар қуидагиларни қамраб олади:

а) қуидагиларга даъват этилган самарали ижтимоий-маърифий кампанияларни авж олдириш ва олиб бориш:

і) ногиронлар хукуқларини тан олишни ўргатиш;

іі) ногиронлар тўғрисидаги ижобий тасаввурларни ва уларнинг жамият томонидан чукурроқ англанишини рағбатлантириш;

ііі) ногиронларнинг қўнимкалари, қадр-қиммати ва қобилияти, шунингдек уларнинг иш жойи ва меҳнат бозоридаги ҳиссаси эътироф этилишига кўмаклашиш;

б) таълим тизимининг барча даражадаларида, шу жумладан кичик ёшдан бошлаб барча болаларни ногиронлар хукуқига хурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

с) барча оммавий ахборот воситаларида ногиронларни ушбу Конвенция мақсадларига мос тушадиган тарзда тасвиrlашга даъват этиш;

д) ногирон ва уларнинг хукуқларига бағишланган тарбиявий-таништириш дастурларини илгари суриш.

9-модда

Фойдаланиш имконияти

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар мустакил турмуш кечириш ва турмушнинг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлиши учун ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқадан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимидан ҳамда шаҳарларда ҳам, кишлоқ жойларида ҳам аҳоли учун очик ёки тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Фойдаланиш имкониятига ҳалақит берадиган тўсикларни аниқлаш ва бартараф этишни қамраб оладиган ушбу чоралар, жумладан, қуидагилардан иборат:

- а) бинолар, йўллар, транспорт ҳамда бошқа ташқи ва ички объектлар, шу жумладан мактаблар, туарар-жойлар, тиббиёт муасасалари ва иш жойлари;
- б) ахборот, коммуникация ва бошқа хизматлар, шу жумладан электрон хизматлар ва шошилинч хизматлар.

2. Иштирок этувчи давлатлар, шунингдек қуидаги зарур чораларни кўрадилар:

- а) аҳоли учун очик ёки тақдим этиладиган объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини кўзда тутадиган минимал стандартлар ва кўрсаткич мўлжалларини ишлаб чиқиши, амалга киритиш ва уларга риоя этилишини назорат килиш;
- б) аҳоли учун очик ёки тақдим этиладиган объектлар ва хизматларни таклиф этадиган хусусий корхоналар ногиронлар фойдаланиш имкониятлари учун барча жиҳатларни ҳисобга олишларини таъминлаш;
- с) ногиронлар дуч келадиган фойдаланиш имконияти муаммолари масаласига алоқадор барча томонлар учун йўриқнома беришни ташкил этиш;
- д) аҳоли учун очик бинолар ва бошқа объектларга Брайль алиф-босида бажарилган, осон ўқиладиган ва тушуниладиган шаклдаги белгиларни жойлаштириш;
- е) аҳоли учун очик бинолар ва бошқа объектлардан фойдаланиш имкониятини енгиллаштириш учун ёрдамчилар ва воситачиларнинг турли хизматларини, шу жумладан йўл кўрсатувчилар, сухандонлар ва профессионал судротаржимонлар хизматларини тақдим этиш;

f) ногиронларнинг ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ёрдам ва қўллаб-куватлашнинг бошқа зарур шаклларини ривожлантириш;

g) ногиронларнинг янги ахборот–коммуникация технологиялари ва тизимларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланиш имкониятларини рағбатлантириш;

h) аввалбошдан фойдаланиш имконияти бўлган, кам харажат талаб этадиган ахборот–коммуникация технологиялари ва тизимларини лойихалаш, ишлаб чиқиш ва тарқатишни рағбатлантириш.

10-модда

Яшаш хукуқи

Иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг яшаш ажралмас хукуқини яна бир бор тасдиқлайди ва ногиронлар бошқалар билан тенг равишида бу хукуқни самарали амалга оширишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

11-модда

Таҳдидли ва фавқулодда гуманитар вазиятлар

Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг халқаро хукуқ, шу жумладан халқаро гуманитар хукуқ ва инсон хукуқлари халқаро хукуқи бўйича мажбуриятларига мувофиқ ногиронларни таҳдидли вазиятларда, шу жумладан қуролли можаролар, фавқулодда гуманитар вазиятлар ва табиий оғатлар пайтида ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

12-модда

Қонун олдидаги тенглик

1. Иштирок этувчи давлатлар ҳар бир ногирон, у қаерда бўлмасин, тенг хукуқий ҳимоя хукуқига эга эканлигини тасдиқлайди.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар ҳаётнинг барча соҳаларида бошқалар билан тенг равишида хукуқ лаёқатига эга эканлигини эътироф этади.

3. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларга улар ўзларининг хукуқка лаёқатини амалга оширишларида талаб этилиб қолиниши мумкин бўлган қўллаб-куватлашни тақдим этиш учун зарур чораларни кўради.

4. Иштирок этувчи давлатлар хуқуқка қодирликни амалга ошириш билан боғлиқ барча чоралар инсон хуқуқлари халқаро хуқуқига мувофиқ сунистъемолликларнинг олдини олишини кўзда тутиши учун зарур ва самарали кафолатларни таъминлайди. Бундай кафолатлар хуқуқка лаёқатни амалга ошириш билан боғлиқ чоралар шахснинг хуқуқлари, иродаси ва мойилликларини хурмат қилишга йўналтирилган бўлиши, манфаатлар низоси ва ноўрин таъсирдан холис бўлиши, ушбу шахс вазиятига мувофиқ ва мослаштирилган бўлиши, иложи борича қисқа муддатда қўлланилиши ҳамда ваколатли, мустакил ва холис орган ёки суд идораси томонидан мунтазам текширилишини таъминлаши керак. Ушбу кафолатлар мазкур шахснинг хуқуқлари ва манфаатларига қай даражада таъсир кўрсатса, шу даражада бўлиши керак.

5. Иштирок этувчи давлатлар ушбу модда қоидаларини ҳисобга олган холда ногиронларнинг мулкка эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш, ўз молиявий ишларини бошқариш, шунингдек банк ссудалари, ипотека кредитлари ва молиявий кредитлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланишда тенг хуқуқликларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрмоқда ҳамда ногиронлар ўз мулкидан асоссиз равишда маҳрум бўлмасликларини таъминлайди.

13-модда

Оид судлов хуқуқидан фойдаланиш

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равишида оид судловдан самарали фойдаланишлари имкониятини таъминламоқда, шу жумладан юридик жараённинг барча босқичларида, жумладан суриштириш босқичлари ва иш юритишнинг бошқа бошланғич босқичларида ўзларининг бевосита ва билвосита иштирокчилар, шу жумладан гувоҳлар сифатидаги самарали ролини бажаришларини енгиллаштиришга қаратилган процессуал ва ёшларига мувофиқ тузатишлар киритишни назарда тутади.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг оид судловдан самарали фойдаланиш имкониятларини таъминлашга кўмаклашиш учун оид судловни амалга ошириш соҳасида, шу жумладан полиция ва пенитенциар тизимида ишлайдиган шахсларни зарур тарзда ўқитишига кўмаклашади.

14-модда

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг хукукқа эга бўлишлари учун қуидагиларни таъминлайди:

- a) озодлик ва шахсий дахлсизлик хукуқидан фойдаланиш;
- b) қонунсиз ва асоссиз равища озодликдан маҳрум бўлмаслиқ ва ҳар қандай озодликдан маҳрум этиш қонунга мувофиқ бўлиши, ногиронлик эса ҳеч бир ҳолатда озодликдан маҳрум этиш учун асос бўлмаслигини.

2. Иштирок этувчи давлатлар агар қайсиdir бир тартиб асосида ногиронлар озодликдан маҳрум этилса, улар учун инсон хукуқлари халқаро хукукига мувофиқ бўлган кафолатлар берилишини ҳамда улар билан муомала ушбу Конвенциянинг мақсад ва принципларига, шу жумладан оқилона мослаштиришни таъминлашга мувофиқ бўлишини таъминлайди.

15-модда

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларидан озод бўлиш

1. Ҳеч ким қийноқка солиниши ёки шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматини камситадиган муомала ёки жазога дучор бўлиши мумкин эмас. Жумладан, бирор шахс унинг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибага дучор қилинмаслиги керак.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равища қийноққа солиниш ёки шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашга дучор қилинмаслиги учун барча самарали қонунчилик, маъмурий, суд ёки бошқа чораларни кўради.

16-модда

Эксплуатация қилиниш, зўравонлик ва таҳқирлашлардан озод бўлиш

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларни уйларида ҳам, унинг ташқарисида ҳам эксплуатация, зўравонлик ва тажовуз қилишнинг барча шаклларидан, шу жумладан гендер сабаби билан боғлиқ жиҳатлардан химоя қилиш учун барча зарур қонунчилик, маъмурий, ижтимоий, маърифий ва бошқа чораларни кўради.

2. Иштирок этувчи давлатлар эксплуатация, зўравонлик ва тажовузнинг барча шаклларининг олдини олиш учун зарур чораларни, жумладан ногиронларнинг ёш-жинс хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уларга, уларнинг оиласларига ва ногиронларни парвариш қилаётган шахсларга ёрдам бериш ҳамда уларни кўллаб-куватлаш, шу жумладан эксплуатация, зўравонлик ва тажовуз кўринишларига дучор бўлмаслик, бундай ҳолатларни аниқлаш ва хабар бериш йўллари билан таништириш, бу масаладаги хабардорликларини ошириш учун барча зарур чораларни кўради. Иштирок этувчи давлатлар ҳимоя тақдим этиш бўйича хизматлар ногиронликнинг ёш-жинс хусусиятлари ва омилларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилишини таъминлайди.

3. Иштирок этувчи давлатлар эксплуатация, зўравонлик ва тажовузнинг барча шаклларининг олдини олишга интилиб, ногиронларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган барча муассасалар ва дастурлар мустақил органлар томонидан самарали назорат қилинишини таъминлайди.

4. Иштирок этувчи давлатлар эксплуатация, зўравонлик ёки тажовузнинг ҳар қандай шаклидан жабр кўрган ногиронларни жисмоний, когнитив¹ ва психологик тиклаш, реабилитация ва ижтимоий қайта интеграциялашга ёрдам бериш, шу жумладан ҳимоя тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатиш орқали ёрдам бериш учун зарур чораларни кўради. Бундай тиклаш ва қайта интеграциялаш тегишли шахснинг саломатлигини, ҳолатини, ўзига ҳурматни, кадр-қимматини ва мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган вазиятда амалга оширилмоқда ҳамда ёш-жинс хусусиятлари билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳисобга олинади.

5. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларга нисбатан эксплуатация, зўравонлик ва тажовуз ҳолатлари аниқланиши, суриштирилиши ва зарур ҳолатларда таъқиб этилиши учун самарали қонунчилик ва стратегияни, шу жумладан аёллар ва болаларга мўлжалланган қонунчилик ва стратегияни қабул қиласди.

17-модда

Шахсий дахлсизликни ҳимоя қилиш

Ҳар бир ногирон бошқалар билан teng равиша ўзининг жисмоний ва психик дахлсизлиги ҳурмат қилиниши хукуқига эга.

1 Когнитив — маълумотларни рақамли усулда киритиши ва таҳлил этишини автоматлаштириш комплекс тизими.

18-модда

Кўчиб юриш ва фуқаролик эркинлиги

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда кўчиб юриш эркинлиги, яшаш жойини танлаш эркинлиги ва фуқаролик ҳукуқини шу жумладан қўйидагилар орқали эътироф этади:

- a) фуқароликни олиш ва ўзгартириш ҳукуқига эга бўлиш ва фуқароликдан асоссиз ёки ногиронлик сабаби билан маҳрум этилмаслик;
- b) фуқаролигини тасдиқлайдиган ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни олиш имкониятидан ногиронлиги сабабли маҳрум бўлмаслик, бундай ҳужжатларга эга бўлиш ва улардан фойдаланиш ёки тегишли тартибдан, масалан кўчиб юриш эркинлиги ҳукуқини амалга оширишни енгиллаштириш учун зарур бўлган иммиграция тартибидан фойдаланиш;
- c) ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини эркин тарк этиш ҳукуқига эга бўлиш;
- d) асоссиз равишда ёки ногиронлик сабабли ўз мамлакатига кириш ҳукуқидан маҳрум бўлмаслик.

2. Ногирон болалар туғилган заҳотиёқ рўйхатта олинади ва туғилган заҳотиёқ исмга эга бўлиш ва фуқароликни олиш, шунингдек иложи борича юқори даражада ўз ота-онасини билиш ҳукуқи ва улардан ғамхўрлик кўриш ҳукуқига эга бўлади.

19-модда

Мустақил турмуш тарзи ва маҳаллий ҳамжамиятга жалб қилиниш

Ушбу Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар барча ногиронларнинг одатдаги яшаш жойларида яшашдаги тенг ҳукуклиликни, бошқа одамлар билан тенг равишда танлаш ҳукуқини эътироф этади ҳамда ногиронлар томонидан бу ҳуқуқларини тўла амалга ошириш, уларнинг маҳаллий ҳамжамиятга тўла киритилиш ва жалб этилиш ҳукуқини эътироф этади, шу жумладан қўйидагиларни таъминлайди:

- a) ногиронлар бошқа одамлар билан тенг равишда ўз яшаш жойини ва қаерда ким билан яшашни танлаш имкониятига эга бўлиши ҳамда қандайдир муайян турар жой шароитларида яшашга мажбур бўлмаслиги;
- b) ногиронлар уйида, яшаш жойида ва маҳаллий ҳамжамият асосида бошқа ёрдамчи хизматлардан, шу жумладан маҳаллий ҳамжамиятда ҳаётини саклаб туриш ва ҳамжамиятга кириш учун зарур бўлган шахсий

ёрдамдан фойдаланишга эга бўлиши, шунингдек яккараб қўйишга ёки маҳаллий жамиятдан чиқариб юборишга йўл қўйилмаслиги;

с) жамоа ахолисига умумий фойдаланишга мўлжалланган хизматлар ва объектлардан ногиронлар ҳам teng даражада фойдаланиши ҳамда бу уларнинг эҳтиёжига жавоб бериши.

20-модда

Шахсий ҳаракатланиш

Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар энг юкори имконият даражасида шахсий ҳаракатланишларини таъминлаш учун самарали чоралар кўради, шу жумладан қуидагилар орқали:

а) ногиронлар ўзи танлайдиган воситада, танлаган вақтда ва мақбул нархда шахсий ҳаракат қилишларига ёрдам бериш;

б) ногиронларнинг ҳаракатланишини енгиллаштирадиган сифатли воситалар, қурилмалар, ассистив технологиялар ҳамда ёрдамчилар ва воситачиларнинг хизматларидан фойдаланиш имкониятини, шу жумладан бу нарсаларни мақбул нархларда тақдим қилиш орқали енгиллаштириш;

с) ногиронларни ва улар билан иш олиб борадиган мутахассис кадрларни ҳаракатланиш кўнималарига ўқитиши;

д) ҳаракатланишни енгиллаштирадиган воситалар, қурилмалар ассистив технологиялар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарни ногиронларнинг ҳаракатланиши барча жиҳатларини ҳисобга олишга даъват этиши.

21-модда

Фикр ва эътиқодни ифода этиш эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш имконияти

Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар фикр ва эътиқодларини эркин ифода этиш хукукини, шу жумладан ушбу Конвенциянинг 2-моддасида белгилаб қўйилган муомаланинг барча шаклларидан ўз танлови бўйича фойдаланган ҳолда ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради, шу жумладан:

а) ногиронларни фойдаланиш имконияти бўлган шаклда ва ногиронлик турли шаклларини ҳисобга олган технологиялардан фойдаланиб, ўз вақтида ва қўшимча ҳақ олмасдан кенг оммага мўлжалланган ахборот билан таъминлаш;

б) расмий муюмалада ишора тили, Брайль алифбоси, муюмалани кучайтирадиган ва муқобил воситаларидан ҳамда ногиронларнинг танлови бўйича муюмаланинг бошқа фойдаланиш имконияти бўлган барча воситалари, усуллари ва шаклларидан фойдаланишларига ёрдам кўрсатиш;

с) кенг оммага, шу жумладан Интернет орқали хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарни ногиронлар учун фойдаланиш имконияти бўлган ва яроқли шакллардаги ахборот ва хизматлар тақдим этишга даъват этиш;

д) оммавий ахборот воситаларини ногиронлар ахборотдан, шу жумладан Интернет орқали тақдим этадиган хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга даъват этиш;

е) ишора тилларидан фойдаланишни эътироф этиш ва рағбатлантириш.

22-модда

Шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги

1. Бирорта ногирон, яшаш жойи ёки тураг жой шароитларидан қатъи назар, шахсий ҳаёти, оиласи, тураг жойи ёки ёзишмалари ва бошқа муюмала турларининг дахлсизлигига асоссиз ёки ноқонуний тажовуз қилинишига ёки унинг шаъни ва обўсига ноқонуний хуружларга дучор бўймаслиги керак. Ногиронлар бундай тажовузлар ёки хуружлардан химояланиш ҳуқуқига эга.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг шахси, саломатлигининг холати ва реабилитацияси тўғрисидаги маълумотларни бошқалар билан тенг тарзда маҳфийлигини муҳофаза қиласди.

23-модда

Уй ва оилани ҳурмат қилиши

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларга нисбатан бошқалар билан тенг тарзда никоҳ, оила, оталик, оналик ва шахсий муносабатларга тааллуқли масалаларда камситилишларини бартараф этиш учун самарали ва зарур чоралар кўради. Бунда улар куйидагиларни таъминлашга интилади:

а) никоҳ ёшига етган барча ногиронларнинг никоҳдан ўтаётганларнинг эркин ва тўлиқ розилиги асосида никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқининг эътироф этилишини;

б) ногиронларнинг болалар сони ва улар туғилиши орасидаги танаффус тўғрисида эркин ва масъул қарор қабул қилиш ҳамда репродуктив ва оилани режалаштириш масалаларида ёшига мос ахборотдан фойдала-

ниш имконияти ҳамда бу масалалардан хабардор бўлиш хукуқининг эътироф этилиши, шунингдек уларга бу хукукларини амалга ошириш имкониятларини берадиган воситаларнинг тақдим этилишини;

с) ногиронлар, шу жумладан болалар бошқалар билан тенг тарзда ўз фертилликларини¹ сақлашларини.

2. Иштирок этувчи давлатлар миллий қонунчиликда васийлик, фарзандларни асраб олиш ёки шу каби институтлар тўғрисида қоидалар мавжуд бўлган тақдирда ногиронларнинг ушбу масалалар бўйича хукуқ ва мажбуриятларини таъминлайди; барча ҳолатларда боланинг олий манфаатлари биринчи дараражали аҳамиятга эгадир. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларга болаларини тарбиялаш бўйича мажбуриятларини бажаришларида зарур ёрдам кўрсатади.

3. Иштирок этувчи давлатлар ногирон болалар оиласи турмушга нисбатан тенг ҳукукларга эга бўлишини таъминлайди. Иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳукукларни амалга ошириш ҳамда болалар ногиронлигини яшириш, уларни ташлаб кетиш, парвариш қилишдан бош тортиш ва сегрегациясига² йўл қўймаслик учун аввалбошдан ногирон болалар ва улар оиласарини ҳар тарафлама ахборот, хизматлар ва қўллаб-куватлаш билан таъминлаш мажбуриятини олади.

4. Иштирок этувчи давлатлар бола ўз ота-онасидан унинг иродасига қарши ажратилмаслигини таъминлайди, суд томонидан назорат қилинадиган ваколатли органлар қўлланиладиган қонунлар ва тартибларга мувофиқ бундай ажратиш боланинг олий манфаатлари учун зарур эканлигини белгилаган ҳолатлар бундан мустаснодир. Ҳеч бир вазиятда бола ўзининг, отаси ёки онасидан бирортасининг ёки ҳам отаси, ҳам онасининг ногиронлиги сабабига кўра ота-онасидан ажратилиши мумкин эмас.

5. Иштирок этувчи давлатлар ногирон боланинг энг яқин қариндошлари уни парвариш қилишга кодир бўлмаган ҳолатларда узокроқроқ қариндошлари ҳисобига, бундай имконият бўлмаганида эса маҳаллий ҳамжамиятда бола яшashi учун оиласи шароитларни яратиш ҳисобига муқобил парвариш қилишни ташкил этиш учун барча сайд-харакатларни қилиш мажбуриятларини олади.

1 *Фертиллик* (лотинча “fertilis” — “унумдор”, “унумли” сўзидан) — жинсий етук организмнинг соглом насл яратиш қобилияти.

2 *Сегрегация* (лотинча “segregatio” — “ажратиш” сўзидан) — аҳоли қайсиридан бир гурухини жамиятдан мажбурлан ажратиб қўйиш сиёсати.

24-модда

Таълим

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг таълим олиш хукуқини ётироф этади. Иштирок этувчи давлатлар ушбу хукуқни камситмасдан ва имкониятлар тенглиги асосида амалга ошириш мақсадларида барча даражаларда инклузив¹ таълимни ва бутун умри давомида ўқитилишларини таъминлайди, бунда куйидагиларга интилади:

- а) инсон салоҳиятини, шунингдек қадр-қиммат ва ўзини хурмат қилиш ҳиссини тўла ривожлантириш ҳамда инсон хукуқлари, асосий эркинликлари ва инсоний турфа хилликни хурмат қилишни кучайтириш;
- б) ногиронларнинг шахси, истеъоди ва ижодини, шунингдек ақлий ва жисмоний қобилиятларини тўла ҳажмда ривожлантириш;
- с) ногиронларга эркин жамият ҳаётида самарали иштирок этиш имкониятини яратиш.

2. Иштирок этувчи давлатлар ушбу хукуқни амалга оширишда куйидагиларни таъминлайди:

- а) ногиронлар ногиронлиги сабабига кўра умумий таълим тизимидан, ногирон болалар эса бепул ва мажбурий бошланғич таълим ёки ўрта таълим тизимидан чиқарилмаслиги;
- б) ногиронлар бошқалар билан teng равищада ўз яшаш жойларида инклузив, сифатли ва бепул бошланғич таълим ва ўрта таълимни олиш имкониятига эга бўлиши;
- с) шахсий эҳтиёжларни ҳисобга оладиган оқилона мослаштириш таъминланиши;
- д) ногиронлар умумий таълим тизими доирасида самарали таълим олишларини енгиллаштириш учун талаб килинадиган қўллаб-қувватлашга эга бўлиши;
- е) тўла қамраб олиш мақсадига мувофиқ билимларни эгаллаш ва ижтимоий ривожланишга иложи борича энг самарали ёрдам бериш вазиятида шахсий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бўйича самарали чоралар кўрилиши.

3. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар таълим жараёнида ҳамда маҳаллий ҳамжамиятнинг аъзолари сифатида тўла ва teng

1 Инклузив таълим (французча “inclusif” — “ўзига қўшган” сўзидан) — соғлом болаларнинг жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган болалар билан бирга ўқитилиши.

иштирок этишларини таъминлаш учун уларга ҳаётий ва ижтимоий кўникмаларни эгаллаш имкониятини яратади. Иштирок этувчи давлатлар ушбу йўналишда тегишли чораларни кўради, шу жумладан;

- а) Брайль алифбоси, муқобил шрифтларни, муомалани кучайтирадиган ва муқобил усуллар, воситалар ва шаклларни, шунингдек мўлжал олиш ва ҳаракатланиш кўникмаларини эгаллашларига ҳамда тенгдошлари томонидан қўллаб-кувватланишга ва мураббийликка кўмаклашади;
- б) ишорали тилни эгаллаш ва карларнинг ўзига хос тилини эгаллашга ёрдам беради;
- с) шахсларни ўқитиш, жумладан кўзи ожизлар, карлар ёки кўзи ожиз ва кар бўлган болаларни ўқитиш уларга энг мақбул бўлган тил ва усулларда, муомала воситаларида ҳамда билимларни эгаллаш ва ижтимоий ривожланишга иложи борича энг кўп ёрдам берадиган вазиятда амалга оширилишини таъминлайди.

4. Иштирок этувчи давлатлар ушбу хукуқ амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашиш учун ишорали тилни ва/ёки Брайль алифбосини эгаллаган ўқитувчилар, шу жумладан ногирон ўқитувчиларни ишга жалб этиш ҳамда таълим тизимининг барча даражаларида ишлаётган мутахассислар ва персонални ўқитиш учун зарур чораларни кўради. Бундай ўқитиш ногиронларни қўллаб-кувватлаш учун ногиронлик масалалари ҳамда муомаланинг кучайтирадиган ва муқобил усуллари, воситалари ва шаклларини, ўқув услубиётлари ва материалларини қамраб олади.

5. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар камситилмасдан ва бошқалар билан тенг равишда олий таълим, касбий таълим, катталар учун таълим олиш ва бутун ҳаётлари давомида ўқитилиш имкониятларига эга бўлишларини таъминлайди. Иштирок этувчи давлатлар шу максадларда ногиронлар учун оқилона мослаштиришни таъминлайди.

25-модда

Соғлиқни саклаш

Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар ногиронлик белгиси бўйича камситилмасдан саломатликларининг эришиш мумкин

бўлган энг юкори даражада сақланиши ҳукуқига эгалар. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар соғлиқни сақлаш соҳасида гендер хусусиятини ҳисобга оладиган хизматлардан, шу жумладан саломатликларининг ҳолати бўйича реабилитация қилиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради. Иштирок этувчи давлатлар, шу жумладан қуидаги чораларни кўради:

- а) ногиронларга бошқалар билан бир қаторда саломатликни сақлаш бўйича бепул ёки қиммат бўлмаган хизматлар ва дастурларнинг турлари, сифати ва даражасини, шу жумладан сексуал ва репродуктив саломатлик ҳамда давлат соғлиқни сақлаш дастурлари асосида ахолига таклиф этилаётган турларни таъминлайди;
- б) соғлиқни сақлаш соҳасида ногиронларга уларнинг ногиронлиги сабабли бевосита зарур бўлган хизматларни, шу жумладан барвақт диагностикани, ўрни бўлса — коррекция ва ногиронликнинг, шу жумладан болалар ва катта ёшдагилар ўртасида ногиронликнинг бундан буён пайдо бўлишига иложи борича йўл қўймаслик ва бунинг олдини олишига даъват этилган хизматларни тақдим этади;
- с) соғлиқни сақлаш соҳасидаги ушбу хизматларни иложи борича ушбу одамлар бевосита истиқомат қиласидиган жойларга яқинда, шу жумладан қишлоқ жойларида ташкил этади;
- д) соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларидан ногиронларга бошқа шахсларга бўлгани каби сифатли хизмат кўрсатишни, шу жумладан бошқа масалалар қатори таълим бериш ҳамда давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш соҳаси учун ахлоқ стандартларини қабул қилиш ҳисобига инсон ҳукуқлари, қадр-қиммати, мустақиллиги ва ногиронларнинг эҳтиёжлари тўғрисидаги хабардорлигини оширишни талаб этади;
- е) ногиронларга тиббий суғурталаш ва ҳаётни суғурталашни (агар бунга миллий қонунчиликда рухсат берилган бўлса) тақдим этишда уларни камситишни ман этади ҳамда бу адолатли ва оқилона асосда тақдим этилишини кўзда тутади;
- ф) ногиронлик сабаби бўйича соғлиқни сақлашда ёки бу соҳада хизмат кўрсатилишида ёхуд овқат ёки ичимликларни олишда камситувчи рад этилишларга йўл қўймайди.

26-модда

Абилитация¹ ва реабилитация

Иштирок этувчи давлатлар, шу жумладан бошқа ногиронлар томонидан қўллаб-қувватланишида, ногиронлар иложи борича мустақилликка, тўла жисмоний, ақлий, ижтимоий ва касб қобилиятларига эришишлари ва буни сақлаб қолишлари ҳамда турмушнинг барча соҳаларига тўла қўшилишлари ва жалб этилишлари учун самарали ва зарур чораларни кўради. Иштирок этувчи давлатлар шу мақсадда комплекс абилитация ва реабилитация хизматлари ва дастурларини, айниқса соғлиқни сақлаш, бандлик, таълим ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этади, мустаҳкамлайди ва кенгайтиради. Улар ушбу хизматлар ва дастурлар бўйича куйидаги чораларни кўради:

- а) уларни иложи борича эрта амалга оширишга киришилиши ва ногиронларнинг эҳтиёжлари ва кучли жихатларини кўп томонлама баҳолашга асосланган бўлиши;
- б) маҳаллий ҳамжамиятга ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларига жалб этилиш ва киритилишига ёрдам бериши, ихтиёрий хусусиятга эга бўлиши ҳамда ногиронлар учун иложи борича бевосита яшаш жойларига яқинда, шу жумладан қишлоқ жойларида фойдаланиш имконияти бўлиши.

2. Иштирок этувчи давлатлар абилитация ва реабилитация хизматлари кўрсатиш соҳасида ишлайдиган мутахассис ва персонални бошлангич ва кейинги таълим олишини рағбатлантиради.

3. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларга мўлжаланган абилитация ва реабилитацияга тааллуқли ассистив қурилмалар ва технологиялар бўлишини, улардан фойдаланишни рағбатлантиради.

27-модда

Мехнат ва бандлик

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равища мөхнат қилиш ҳуқуқини эътироф этади; бу мөхнат бозори ва ишлаб чиқариш муҳити ногиронлар учун очик, инклузив ва иштирок этиш имконияти бўлган шароитда ногирон ўзи танлаган ва эркин рози

1 Абилитация (лотинча “abilitatio” — “кулай”, “мослаштирилган” сўзидан) — ногиронларни ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган даволаш тадбирлари.

бўлган меҳнат фаолияти орқали турмуш кечиришига пул ишлаб топиш имкониятига эга бўлиш хукуқини қамраб олади. Иштирок этувчи давлатлар меҳнат қилиш хукуқини, шу жумладан меҳнат фаолияти давомида ногирон бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш хукуқини, жумладан конунчилик йўли билан белгиланган тартибда амалга ошириш хукуқини таъминлайди ва рағбатлантиради. Шу жумладан улар қуйидаги зарур чораларни кўради:

- а) бандликнинг барча шаклларида, шу жумладан ишга қабул қилиш, ёллаш ва бандлик, иш жойини сақлаб қолиш, хизмат лавозимида кўтарилиш, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига тааллукли масалаларда ногиронлик белгиси бўйича камситишни ман этиш;
- б) ногиронларнинг бошқалар билан teng равища адолатли ва қулай иш шароитларига эга бўлиш, шу жумладан teng қимматга эга бўлган меҳнат билан шуғулланиш ва бунинг учун teng рағбатлантирилиш, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига эга бўлиш, шу жумладан хуружлардан ҳимоя қилиниш ва шикоятлари қондирилиши хукуқларини ҳимоя қилиш;
- с) ногиронлар бошқалар билан teng равища ўзларининг меҳнат ва касаба уюшма хукуқларини амалга ошириш имкониятини таъминлаш;
- д) ногиронларга умумий техникавий ва касбий йўналтириш дастурлари, ишга жойлаштириш хизматлари, касбий ва узлуксиз таълим олишдан самарали фойдаланиш имкониятларини яратиш;
- е) меҳнат бозорида ногиронларнинг ишга жойлашиш ва хизмат лавозимида кўтарилиш, шунингдек иш излаш, ишга эга бўлиш, иш жойини сақлаш ва меҳнат фаолиятини қайтадан бошлаш имкониятларини кенгайтириш;
- ф) шахсий меҳнат фаолияти, тадбиркорлик, ширкатларни ривожлантириш ва ўз бизнесини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш;
- г) ногиронларни давлат секторига ишга ёллаш;
- х) ногиронларни тегишли стратегиялар ҳамда ижобий ҳаракатлар, рағбатлар ва бошқа чораларни қамраб олиши мумкин бўлган дастурлар ёрдамида хусусий секторда ишга ёллашни рағбатлантириш;
- і) ногиронларнинг иш жойларини оқилона мослаштиришни таъминлаш;
- ј) очиқ меҳнат бозори шароитларида ногиронларнинг иш тажрибаларини ўзлаштиришларини рағбатлантириш;

к) ногиронларни касбий ва малака реабилитациясини, иш жойларини сақлаб қолиш ва ишга қайтиб келишгә қаратылған дастурларни рағбатлантириш.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар қулликка ва эркисиз ҳолатга тушиб қолмасликларини ҳамда бошқалар билан тенг равишида зўраки ва мажбурий меҳнатдан химоя қилинишларини таъминлайди.

28-модда

Етарли турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимоя

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига, шу жумладан етарлича овқатланиш, кийим-кечакка ва тураг жойга эга бўлиш ҳамда турмуш шароитлари узлуксиз яхшиланиб бориши ҳуқуқларини эътироф этади, шунингдек ушбу ҳуқуқларни ногиронлик белгиси бўйича камситмасдан амалга оширишни таъминлаш ва рағбатлантиришнинг зарур чораларини кўради.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан ногиронлик белгиси бўйича камситмасдан фойдаланишлари ҳуқуқини эътироф этади ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш ва рағбатлантириш учун зарур чораларни кўради. Шу жумладан куйидаги чораларни кўради:

- а) ногиронларнинг тоза сувга тенг эга бўлишларини ҳамда ногиронлик билан боғлиқ тегишли ва қиммат бўлмаган хизматлар, курилмалар ва бошқа ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;
- б) ногиронларнинг, шу жумладан ногирон аёллар, қизлар ва кекса кишиларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш ва қашшоқлик кўламларини қисқартириш дастурларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;
- с) қашшоқлик шароитида турмуш кечираётган ногиронлар ва улар оилаларини ногиронлик билан боғлиқ харажатларини, шу жумладан тегишлича таълим олиш, маслаҳат, молиявий ёрдам ва вақтингча патронаж парваришини олиш бўйича харажатларни қоплаш мақсадидаги давлат ёрдамини олишларини таъминлаш;
- д) ногиронларнинг давлат турар жой дастурларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- е) ногиронларнинг пенсия нафакалари ва дастурларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш.

29-модда

Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш

Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқларини ва улардан бошқалар билан тенг равища фойдаланиш имкониятларини кафолатгайди ҳамда кўйидаги мажбуриятларни олади:

а) ногиронлар бошқалар билан тенг равища сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали самарали ва ҳар тарафлама иштирок этишлари, шу жумладан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ва имкониятларига эга бўлишларини, жумладан, кўйидагилар орқали таъминлаш:

- i) овоз бериш тартиблари, бинолари ва материаллари англаш ва фойдаланиш учун мос ва осон бўлишини таъминлаш;
- ii) ногиронларнинг сайловларда ва давлат референдумларида ёпиқ овоз беришда кўркитилмасдан иштирок этиш ҳамда ўз номзодларини сайловларда, давлат ҳокимиётининг барча даражаларида давлат лавозимларини амалда эгаллашига ва давлат функцияларини бажаришларига кўрсатиш ҳуқуқларини — бунда қўллаш мақбул бўлганда ассистив ва янги технологиялардан фойдаланишларига ёрдам берган холда ҳимоя килиш;
- iii) ногиронларнинг сайловчилар сифатида ўз иродаларини эркин билдиришларини кафолатлаш ва шу мақсадда, зарурат бўлганда, уларнинг ўз танлови бўйича бирорта шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларини қондириш;

б) ногиронлар бошқалар билан тенг равища ва камситилмасдан давлатни бошқаришда самарали ва ҳар тарафлама иштирок этишлари учун зарур шароитни яратишга фаол кўмаклашиш ҳамда уларнинг давлат ишларида иштирок этишларини, шу жумладан қўйидагилар орқали рағбатлантириш:

- i) фаолияти мамлакатнинг давлат ва сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган ноҳукумат ташкилотлари ва бирлашмаларида, шу жумладан сиёсий партиялар фаолиятида ва уларга раҳбарлик қилишда иштирок этиш;
- ii) ногиронларга ногиронлар ташкилотларини тузиш ҳамда уларга халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада вакиллик қилиш учун аъзо бўлиш.

30-модда

Маданий хаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш

1. Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишида маданий хаётда иштирок этиш ҳуқукини эътироф этади ва ногиронларга куйидагиларни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради:

- а) маданият асарларидан фойдаланиш имконияти бўлган шаклларда фойдаланишларга имконият яратиш;
- б) телевидение дастурлари, фильмлар, театр ва бошқа маданий тадбирлардан фойдаланиш имконияти бўлган шаклларда фойдаланиш имкониятини яратиш;
- с) театрлар, музейлар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва туризм хизматлари каби маданий тадбирлар ўтказиладиган ва хизматлар кўрсатиладиган жойлардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари, шунингдек миллий маданий аҳамиятга эга ёдгорлик ва объектлардан энг кўп имконият даражасида фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари.

2. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар ижодий, бадиий ва интеллектуал салоҳиятларини факат ўзлари учунгина эмас, балки бутун жамиятни бойитиш учун ривожлантириш ва бу салоҳиятларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларига барча зарур чораларни кўради.

3. Иштирок этувчи давлатлар ҳалқаро ҳуқуқка мувофиқ интеллектуал мулкка эгалик ҳуқукини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ногиронларнинг маданият асарларидан фойдаланишлари учун асоссиз ёки камситувчи тўсиқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

4. Ногиронлар бошқалар билан тенг равишида уларнинг алоҳида маданий ва тили ўзига хослиги, шу жумладан ишора тиллари ва карлар маданияти эътироф этилиши ва қўллаб-куватланиши ҳуқуқига эга.

5. Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равишида бўш вақтларини ўтказиш, дам олиш ва спорт тадбирларида иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари учун қуйидаги зарур чораларни кўради:

- а) ногиронларнинг барча даражадаги умумий йўналишдаги спорт тадбирларида иложи борича тўлиқ иштирок этишларини рағбатлантириш ва тарғиб этиш;

- b) ногиронларнинг ногиронлар учун маҳсус спорт ва бўш вақтни ўтказиш тадбирларини ташкил этиш, бу тадбирларни ривожлантириш ва уларда иштирок этиш имкониятларини таъминлаш ҳамда шу муносабат билан уларга бошқалар билан teng равишида зарур даражада таълим берилиши, ўргатилиши ва ресурслар тақдим этилишига кўмаклашиш;
- c) ногиронлар спорт, рекреация¹ ва туризм обьектларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш;
- d) ногирон болалар бошқа болалар билан teng равишида ўйинларда, бўш вақтларини ўтказиш, дам олиш ва спорт дастурларида, шу жумладан мактаб тизими доирасидаги тадбирларида иштирок этиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш;
- e) ногиронлар бўш вақтни ўтказиш, туризм, дам олиш ва спорт тадбирларини ташкил этиш билан шуғулланадиганлар хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш.

31-модда

Статистика ва маълумотларни тўплаш

1. Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенция ижросини таъминлаш мақсадида стратегиялар ишлаб чиқиши ва амалга ошириш имконини берадиган зарур ахборотларни, шу жумладан статистика ва тадқиқот маълумотларини тўплаш мажбуриятини олади. Ушбу ахборотни тўплаш ва сақлаш жараёнида куйидагиларга амал этилади:

- a) ногиронлар шахсий ҳаёти маҳфийлиги ва дахлсизлигини таъминлаш учун белгилаб қўйилган ҳуқуқий кафолатларга, шу жумладан маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конунчиликка риоя этиш;
- b) статистика маълумотларини тўплаш ва улардан фойдаланишида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилишга таалкуқли халкаро эътироф этилган нормаларга, шунингдек ахлоқ принципларига риоя этиш;

2. Ушбу моддага мувофиқ тўпланган ахборот тегишли тарзда рўйхатга олинади ҳамда иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликларини баҳолаш, шунингдек

1 Рекреация (лотинча “recreatio” — “тиклаш” сўзидан) — инсоннинг меҳнат қобилиятини тиклаш мақсадида амалга ошириладиган соғломлаштириш тадбирлари

ногиронлар ўз хукуқларини амалга оширишда дуч келаётган түсиқларни аниклаш ва уларни бартараф этиш учун фойдаланилади.

3. Иштирок этувчи давлатлар ушбу статистика маълумотларини тарқатиш масъулиятини ўз зиммасига олади ва ногиронлар ҳамда бошқа шахслар улардан фойдалана олишларини таъминлайди.

32-модда

Халқаро ҳамкорлик

1. Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенция мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича миллий саъй-ҳаракатларни қўллаб-кувватлаш учун халқаро ҳамкорлик ва уни рағбатлантириш муҳимлигини эътироф этади ҳамда шу муносабат билан, мақбул бўлганда, тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти, жумладан ногиронлар ташкилотлари билан шерикликда давлатлараро алоқалар бўйича зарур ва самарали чораларни кўради. Ушбу чоралар, жумладан, қуйидагиларни қамраб олиши мумкин:

- a) халқаро ҳамкорлик, шу жумладан халқаро ривожланиш дастурлари ногиронларни қамраб олишини ҳамда улар бундан фойдалана олишларини таъминлаш;
- b) мавжуд имкониятларни енгиллаштириш ва уларни мустаҳкамлашни, шу жумладан ахборот, тажриба, дастурлар ва илғор ишланмалар билан ўзаро алмашиш йўли билан қўллаб-кувватлаш;
- c) тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий-техникавий билимлардан фойдаланишга кўмаклашиш;
- d) мақбул бўлганда, техникавий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан фойдаланиш имконияти бўлган ассистив технологиялар билан ўзаро алмашиш, шунингдек технологияларни тақдим этиш орқали ёрдам кўрсатиш.

2. Ушбу модданинг қоидалари ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг ушбу Конвенцияга мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларига тааллукли эмас.

33-модда

Миллий амалга ошириш ва мониторинг

1. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг ташкилий тузилишига мувофиқ ушбу Конвенцияни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга

мутасаддиллик қиласынан битта ёки бир нечта органни тайинлайды хамда турли секторлар ва турли даражаларда тегишили ишларни амалга оширишда ёрдам күрсатиш учун хукуматда мувофиқлаштирувчи механизмни таъсис этиш ёки белгилаш имкониятини зарур даражада ўрганиб чиқади.

2. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг хукукий ва маъмурий тузилишига мувофиқ ушбу Конвенцияни амалга оширишни рафбатлантириш, химоя қилиш ва мониторинги учун, мақбул бўлганда, битта ёки бир нечта мустақил механизмни қамраб оладиган тузилмани тайинлайди ёки таъсис этади, уни қўллаб-куватлайди ва мустаҳкамлайди. Иштирок этувчи давлатлар бундай механизмни тайинлаш ёки таъсис этишда инсон хукукларини химоя қилиш ва рафбатлантириш билан шуғулланаидиган миллий муассасаларнинг мақоми ва амал этишига таалукли принципларни эътиборга олади.

3. Фуқаролик жамияти, жумладан ногиронлар ва уларнинг ваколатли ташкилотлари кузатиш жараёнига тўла жалб этилади ва унда иштирок этади.

34-модда

Ногиронлар хукуқлари бўйича қўмита

1. Ногиронлар хукуқлари бўйича қўмита (бундан бўён “Қўмита” деб аталади) таъсис этилади, у куйида кўзда тутилган функцияларни бажаради.

2. Ушбу Конвенция кучга кирган пайтда Қўмита таркиби ўн икки экспертдан иборат бўлади, шундан сўнг Конвенцияни яна 60 та давлат ратификация қилгандан кейин ёки унга қўшилгач, Қўмита аъзоларининг сони олтитага кўпайиб, энг кўп микдор — ўн саккиз аъзога этади.

3. Қўмита аъзолари шахсан ўз номидан иш кўради хамда юксак ахлоқий фазилатларга, ушбу Конвенция қамраб олган соҳаларда эътироф этилган билим ва тажрибага эга бўлади. Иштирок этувчи давлатларга ўз номзодларини кўрсатиш пайтида ушбу Конвенция 4-моддаси 3-бандида белгилаб қўйилган қоидаларни зарур даражада ҳисобга олиш таклиф этилади.

4. Қўмита аъзолари иштирок этувчи давлатлар томонидан сайланади, бунда адолатли жўғрофий тақсимотга, цивилизацияларнинг ва асосий хукукий тизимларнинг турли шакллари ваколатлигига, жинсларнинг мутаносиблиги ва ногирон экспертларнинг иштирок этишига эътибор қаратилади.

5. Қўмита аъзолари иштирок этувчи давлатлар кўрсатган номзодлар рўйхати бўйича иштирок этувчи давлатларнинг Конференцияси мажлисида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисми мажлисда кворумни ташкил этганида ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирок этувчи давлатлар вакилларининг энг кўп ва мутлак кўп овозини олган номзодлар Қўмита таркибига сайланган ҳисобланади.

6. Дастребаки сайловлар ушбу Конвенция кучга кирган кундан кечи билан олти ой ўтгандан сўнг ўтказилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳар бир сайлов муддатидан камида тўрт ой олдин иштирок этувчи давлатларга мактуб билан мурожаат қилиб, уларга икки ой мобайнида номзодларини кўрсатишни таклиф этади. Шундан сўнг Бош котиб ана шу тарзда кўрсатилган барча номзодларнинг рўйхатини, уларни кўрсатган иштирок этувчи давлатларни қайд этган ҳолда, алфавит тартибида тузади ва ушбу Конвенцияда иштирок этувчи давлатларга юборади.

7. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Улар яна факат бир марта қайта сайланиш ҳукуқига эга. Бироқ биринчи сайловларда сайланадиган аъзолар олти нафари ваколатининг муддати икки йилда тугайди; биринчи сайловлардан кейин дарҳол ушбу олти нафар аъзонинг исмлари, мазкур модданинг 5-бандида қайд қилинганидек, мажлисда раислик қилувчи томонидан куръя ташлаш бўйича аниқланади.

8. Қўмитанинг олти нафар қўшимча аъзосини сайлаш мазкур модданинг тегишли қоидалари билан тартибга солинадиган одатдаги сайловлар пайтида ўтказилади.

9. Қўмитанинг қайсиdir бир аъзоси вафот этса, истеъфога чикса ёки қайсиdir бошқа сабабга кўра ўз мажбуриятларини бундан буён бажаришга қодир эмаслигини эълон қилса, ушбу аъзо номзодини кўрсатган иштирок этувчи давлат ваколатнинг қолган муддатига малакага эга бўлган ҳамда ушбу модданинг тегишли қоидаларида кўзда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа экспертни тайинлайди.

10. Қўмита ўзининг тартиб қоидаларини ўрнатади.

11. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмита ўзининг функцияларини ушбу Конвенцияга мувофиқ самарали амалга ошириши учун зарур персонал ва моддий воситаларни тақдим этади ҳамда унинг биринчи кенгашини чақиради.

12. Кўмитанинг ушбу Конвенцияга мувофиқ сайланган аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан Кўмитадаги мажбуриятларининг муҳимлиги ҳисобга олинган ҳолда Ассамблея томонидан ўрнатиладиган тартиб ва шартларда рафбатлантирилади.

13. Кўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёзлар ва иммунитетлар¹ тўғрисидаги Конвенциясининг тегишли бўлимларида белгилаб қўйилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишлари бўйича хизмат сафарларидағи экспертларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари хукуқига эга.

35-модда

Иштирок этувчи давлатларнинг маърузалари

1. Ҳар бир иштирок этувчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби орқали Кўмитага ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини амалга ошириш учун кўрилган чоралар ҳамда ушбу масалада эришилган тараққиёт тўғрисида тегишли иштирок этувчи давлат учун ушбу Конвенция кучга кирганидан сўнг икки йил мобайнида кенг қамровли маърузани тақдим этади.

2. Иштирок этувчи давлатлар шундан сўнг навбатдаги маърузаларни тўрт йилда камида бир марта, шунингдек Кўмита бу ҳақда улардан сўраганда тақдим этади.

3. Кўмита маърузалар мазмунини ифодаловчи дастур амал принципларини белгилайди.

4. Кўмитага даставвалги кенг қамровли маърузани тақдим этган иштирок этувчи давлатларга навбатдаги маърузаларида аввал тақдим этган ахборотни тақрорлашларининг зарурати йўқ. Иштирок этувчи давлатларга Кўмитага маърузани очиқ ва ошкор жараёнга айлантириш ҳамда ушбу Конвенциянинг 4-моддаси 3-бандida белгилаб қўйилган қоидаларни зарур даражада ҳисобга олиш тўғрисида ўйлаб кўриш таклиф этилади.

5. Маърузаларда ушбу Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

1 Иммунитет (лотинча “immunitas” — “ҳалос қилиш” сўзидан) — бу ўринда масъул ходимларнинг даҳлсизлигига доир алоҳида мақоми.

36-модда

Маърузаларни кўриб чиқиш

1. Ҳар бир маъруза у бўйича ўринли деб ҳисоблайдиган таклифлар ва умумий тавсияларни кўрсатадиган Кўмита томонидан кўриб чиқилади ҳамда бу таклифлар ва умумий тавсиялар тегишли иштирок этувчи давлатга юборилади. Иштирок этувчи давлат Кўмитага жавоб тариқасида ўз танлови бўйича хоҳлаган ахборотини юбориши мумкин. Кўмита иштирок этувчи давлатлардан ушбу Конвенцияни амалга оширишга тааллукли бўлган кўшимча ахборот тақдим этилишини сўраши мумкин.

2. Иштирок этувчи давлат маърузани тақдим этишни жиддий равишда кечиктираётган бўлса, Кўмита тегишли иштирок этувчи давлатга билдирги юбориб, унда ушбу билдиргидан сўнг уч ой мобайнида тегишли маъруза тақдим этилмаса, мазкур иштирок этувчи давлатда ушбу Конвенцияни амалга ошириш тўғрисидаги масала Кўмита ихтиёрида бўлган ишонарли ахборот асосида кўриб чиқишни талаб этишини билдириши мумкин. Кўмита тегишли иштирок этувчи давлатга ана шундай кўриб чиқишида иштирок этишни тақлиф этади. Агар иштирок этувчи давлат жавоб тариқасида тегишли маърузани тақдим этса, ушбу модда 1-бандида белгиланган қоидалар кўлланилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби маърузаларни барча иштирок этувчи давлатлар ихтиёрига тақдим этади.

4. Иштирок этувчи давлатлар ўз маърузалари мамлакатларида жамоатчилик улар билан кенг танишиш имкониятига эга бўлишини таъминлайди ҳамда ушбу маърузаларга тааллукли қоидалар ва умумий тавсиялар билан танишишни енгиллаштиради.

5. Кўмита мақбул деб топган ҳолатларда, у иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари, фондлари ва дастурларига, шунингдек бошқа ваколатли органларга улар ушбу маърузаларда техникавий маслаҳатга ёки ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосла-рига ёхуд бундай ёрдам кўрсатиш зарур деган кўрсатмага эътибор қаратишлари учун Кўмитанинг ушбу илтимослар ёки кўрсатмалар бўйича таклифлари ва тавсиялари (агар улар мавжуд бўлса) билан бирга юборади.

37-модда

Иштирок этувчи давлатлар ва Кўмита ўртасидаги ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирок этувчи давлат Кўмита билан ҳамкорлик қилади ва Кўмита аъзоларига ўз мандатларини бажаришда ёрдам кўрсатади.

2. Кўмита иштирок этувчи давлатлар билан ўз муносабатларида ушбу Конвенцияни амалга ошириш бўйича миллий имкониятларни, шу жумладан халқаро ҳамкорлик ёрдамида кучайтириш йўллари ва воситаларини зарур тарзда ҳисобга олади.

38-модда

Кўмитанинг бошқа органлар билан муносабатлари

Ушбу Конвенцияни самарали амалга ошириш ва Конвенция томонидан қамраб олинадиган соҳаларда халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш учун:

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари ва бошқа органлари ушбу Конвенциядаги ўз мандатларига тааллукли бўлган қоидаларини амалга ошириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда уларда иштирок этиш ҳукуқига эга. Кўмита мақбул деб ҳисоблаган ҳолатларда, ихтисослаштирилган муасасалар ва бошқа ваколатларга тегишли мандатларга тааллукли бўлган соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш бўйича эксперт хулосасини бериши мумкин. Кўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари ва бошқа органларига улар фаолиятига тааллукли соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш тўғрисидаги маърузаларни тақдим этишини таклиф қилиши мумкин;

б) Кўмита ўз мандатини амалга оширишда, мақбул бўлган ҳолатларда, инсон ҳукуклари бўйича халқаро шартномаларга кўра таъсис этилган бошқа тегишли органлар билан маърузаларни тақдим этишнинг тегишли дастурамал принципларини, шунингдек улар томонидан киритилган таклифлар ва умумий тавсияларни мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда ўз функцияларини амалга оширишда бир-бирини қайтариш ва параллелизмга йўл қўймаслик масаласида маслаҳатлашади.

39-модда

Кўмита маърузаси

Кўмита икки йилда бир марта Бош Ассамблея ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга ўзининг фаолияти тўғрисида маъруза тақдим этади

ҳамда иштирок этувчи давлатлардан олинган маъruzalар ва ахборотларни кўриб чиқишига асосланган таклифлар ва умумий тавсияларни чиқариши мумкин. Бундай таклифлар ва умумий тавсиялар иштирок этувчи давлатларнинг изоҳлари (агар улар мавжуд бўлса) билан бирга Кўмитанинг маъruzасига кўшилади.

40-модда

Иштирок этувчи давлатларнинг Конференцияси

1. Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенцияни амалга оширишга таалуқли ҳар қандай масалани кўриб чиқиш учун мунтазам равишда иштирок этувчи давлатларнинг Конференциясига тўпланади.

2. Ушбу Конвенция кучга киргандан сўнг олти ойдан кечикмасдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби иштирок этувчи давлатларнинг Конференциясини чақиради. Шундан кейинги йиғилишлар Бош котиб томонидан икки йилда бир марта ёки иштирок этувчи давлатларнинг Конференцияси қарори билан чақирилади.

41-модда

Депозитарий¹

Ушбу Конвенциянинг депозитарийи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котиби ҳисобланади.

42-модда

Имзолаш

Ушбу Конвенция барча давлатлар ва минтақавий интеграция ташкилотлари томонидан имзолаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорқдаги Марказий муассасаларида 2007 йил 30 марта очик.

43-модда

Мажбуриятга розилик

Ушбу Конвенция уни имзолаган давлатлар томонидан ратификация² қилинади ҳамда уни имзолаган минтақавий интеграция ташкилотлари

1 Депозитарий (лотинча “depositarium” — “сақлаш жойи” сўзидан) — халқаро хукуқда халқаро хужжатларни, унинг ратификацияси тўғрисидаги хужжатларни саклаш мажбуриятини олган давлат ёки халқаро ташкилот.

2 Ратификация — (лотинча “ratificatio” — “тасдиқланган” сўзидан) шартноманинг

томонидан расман тасдиқланиши керак. У Ушбу Конвенцияни имзоламаган хар қандай давлат ёки минтақавий интеграция ташкилотлари учун очиқ.

44-модда

Минтақавий интеграция ташкилотлари

1. “Минтақавий интеграция ташкилоти” муайян минтақанинг суверен давлатлари томонидан ташкил этилган, унга аъзо давлатлар ушбу Конвенция тартибга соладиган масалалар бўйича ваколат берган ташкилотни англатади. Бундай ташкилотлар ўзларининг хужжатларида ушбу Конвенция тартибга соладиган масалаларга нисбатан ўз ваколатлари хажмини расмий тасдиқлашларини ёки бунга қўшилишларини кўрсатади. Кейинчалик улар депозитарийни ўз ваколатлари хажмидаги хар қандай жиддий ўзгаришлар тўғрисида хабардор қиласди.

2. Ушбу Конвенциядаги “иштирок этувчи давлатлар” қайдлари бундай ташкилотларга уларнинг ваколати доирасида тааллуқлидир.

3. Ушбу Конвенциянинг 45-моддаси 1-банди ҳамда 47-моддаси 2- ва 3-бандлари мақсадлари учун минтақавий интеграция ташкилотлари томонидан сақлаш учун топширган бирорта хужжат ҳисобга олинмайди.

4. Минтақавий интеграция ташкилотлари ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда иштирок этувчи ташкилотларнинг Конференциясида ушбу Конвенция иштирокчилари бўлган иштирок этувчи давлатларнинг сонига тенг бўлган овозлар сони бўйича овоз бериш юзасидан ўз ҳукуқини амалга оширишлари мумкин. Бундай ташкилот агар унга аъзо бўлган қайсири бир давлат ўз овоз бериш ҳукуқини амалга ошираётган бўлса, ўзининг овоз бериш ҳукуқини амалга оширмайди ва аксинча.

45-модда

Кучга киритиш

1. Ушбу Конвенция сақлаш учун йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги хужжат топширилгандан кейинги ўттизинчи кун кучга киради.

2. Ушбу Конвенция уни ратификация қилган ҳар бир давлат ёки минтақавий интеграция ташкилоти учун улар буни расман тасдиқлаганликлари

давлат олий органи томонидан тасдиқлаш жараёни. Шартномани ратификация қилиш давлат бошлиғи ёки олий қонунчилик органи томонидан амалга оширилади.

ёки унга қўшилганликари тўғрисида ана шундай йигирманчи хужжатни сақлашга топширганларидан кейинги ўттизинчи кун кучга киради.

46-модда

Изоҳлар

1. Ушбу Конвенциянинг объекти ва мақсадига мос бўлмаган қўшимчаларга йўл қўйилмайди.
2. Қўшимчалар хоҳлаган вақтда олиб ташланиши мумкин.

47-модда

Тузатишлар

1. Ҳар қандай иштирок этувчи давлат ушбу Конвенцияга тузатиш киритишни таклиф этиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб таклиф этилган ҳар қандай тузатишни иштирок этувчи давлатларга маълум қиласи ҳамда улардан ушбу таклифни кўриб чиқиши ва бу тўғрисида қарор қабул қилиш учун Конференция ўтказиш тарафдори эканликлари тўғрисида хабардор қилишларини сўрайди. Бу ҳақда маълум қилинган санадан кейин тўрт ой мобайнида иштирок этувчи давлатларнинг камидаги учдан бир қисми бундай Конференция ўтказишни ёқлаб чиқса, Бош котиб Конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига чақиради. Конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик томонидан маъқулланган ҳар қандай тузатиш Бош котиб томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун, сўнг барча иштирок этувчи давлатларга қабул қилиш учун юборилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маъқулланган ва тасдиқланган тузатиш уни қабул қилиш тўғрисидаги сақлаш учун топширилган хужжатларнинг сони иштирок этувчи давлатлар учдан икки қисмига етганидан кейин ушбу тузатиш маъқулланган санадан кейинги ўттизинчи кун кучга киради. Шундан кейин тузатиш ҳар бир иштирок этувчи давлат учун у томонидан тузатишни қабул қилганлиги тўғрисидаги хужжатини сақлашга топширганидан кейинги ўттизинчи кун кучга киради. Тузатиш фақат уни қабул қилган иштирок этувчи давлатлар учун мажбурийdir.

3. Агар иштирок этувчи давлатларнинг Конференцияси ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маъкулланган ва тасдиқланган келишилган тегишли қарор қабул қилса, мутлақ 34-, 38-, 39- ва 40-моддаларга тааллуқли бўлган тузатиш барча иштирок этувчи давлатлар учун ушбу тузатиш маъкуллангандан кейин унинг қабул қилинганилиги тўғрисидаги хужжатларни саклашга топширган иштирок этувчи давлатлар сонининг учдан икки қисмга етганидан кейин кучга киради.

48-мода

Денонасия¹

Иштирок этувчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ёзма равишда хабардор килиш орқали ушбу Конвенцияни денонасия қилиши мумкин. Денонасия Бош котиб томонидан ана шундай билдириги олинган санадан бир йил ўтгач кучга киради.

49-мода

Фойдаланиш имконияти бўлган шакл

Ушбу Конвенция матни фойдаланиш имконияти бўлган шаклда бўлиши таъминланиши керак.

50-мода

Аутент матнлар²

Ушбу Конвенциянинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидағи матнлари тенг аутентдир.

УШБУНИ ТАСДИКЛАШ МАҚСАДИДА ўзларининг тегишли хукumatлари томонидан зарур даражада ваколатга эга бўлган қуида имзо чеккан тўла ваколатли вакиллар ушбу Конвенцияни имзолади.

1 Денонасия (французча “denoncer” — “бекор қилиш” сўзидан) — давлатнинг халкаро хужжатдан тегишли равишда расмийлаштирилган ҳолда воз кечиши.

2 Аутент матн (юнонча “authentikos” — “аслият” сўзидан) — бошқа тилдаги, мазмуну ва кучга эгалиги бўйича аслиятдаги матн билан бир ҳил бўлган матн.

Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол¹

Ушбу Протоколга қўшилган иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларга рози бўлдилар:

1-модда

1. Ушбу Протоколга қўшилган иштирок этувчи давлат (бундан буён “иштирок этувчи давлат”) Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг (бундан буён “Қўмита”) унинг юрисдикциясида бўлган шахсларнинг ёки шахслар гурухининг ёхуд улар номидан ушбу иштирок этувчи давлат томонидан Конвенция қоидаларининг бузилиши жабрдийдалари эканлиги тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини эътироф этади.

2. Агар ариза ушбу Протоколга қўшилмаган Конвенциянинг иштирок этувчи давлатига тааллукли бўлса, Қўмита томонидан қабул қилинмайди.

2-модда

Қўмита аризани қўйидаги ҳолатларда маъкул эмас деб хисоблайди:

- а) ариза имзосиз бўлса;
- б) ариза бундай аризаларни бёриш ҳуқуқини суистеъмол қилиш тарзида бўлса ёки Конвенциянинг қоидаларига зид бўлса;
- с) мазкур масала Қўмита томонидан аввал кўриб чиқилган бўлса ёхуд ҳалқаро суриштирув ёки тартибга солишининг бошқа тартиблари доирасида кўриб чиқилган ёхуд кўриб чиқилаётган бўлса;
- д) ҳимояланишнинг барча ички воситаларидан тўла фойдаланиб бўлинмаган бўлса. Ҳимоя воситаларини қўллаш асоссиз равишда чўзилаётган ёки амалий самара бериши кутилмаётган бўлса, бу қоида қўлланилмайди;

е) хабарнинг асосизлиги ёки етарли даражада далиллар билан мустаҳкамланмаганлиги равshan бўлса ёхуд

ф) хабарда келтирилган далиллар ушбу Протокол тегишли иштирок этувчи давлат учун кучга кирганга қадар рўй берган бўлса, бунда факат

1 Final report of the Ad Hoc Committee on a Comprehensive and Integral International Convention on the Protection and Promotion of the Rights and Dignity of Persons with Disabilities [A/61/611 - PDF, 117KB]

ушбу Конвенция қоидалари бузилишлари күрсатилган санадан кейин ҳам давом этмаётган бўлса.

3-модда

Қўмита ушбу Протоколнинг 2-моддаси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ўзига тақдим этилган ҳар қандай аризани маҳфий тартибда иштирок этувчи давлат эътиборига етказади. Бу ҳақда хабардор қилинган давлат олти ойлик муддатда Қўмитага масалага аниқлик киритган ҳолда ёки ушбу давлат томонидан эҳтимол қўлланилган ҳимоя воситаси (агар бу бўлса) тўғрисида ёзма тушунтириш ёки баёнот тақдим этади.

4-модда

1. Қўмита олинган ариза билан унинг моҳияти аниқланиши ўртасидаги хоҳлаган вактда тегишли иштирок этувчи давлатга эҳтимол тутилган қоидалар бузилишидан жабр кўргангага ёки жабр кўрганларга эҳтимол тутилган тузатиб бўлмайдиган зарар етказилишига йўл қўймаслик учун зарур бўлиши мумкин бўлган вактинчалик чоралар кўришни кечиктирмасдан қараб чиқишини илтимос қилиши мумкин.

2. Қўмита ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ўзининг дискреция хукуқини¹ амалга ошираётган пайтда, бу унинг ариза моҳиятига нисбатан мақбул қарор қабул қилганлигини билдиrmайди.

5-модда

Ушбу Протоколга мувофиқ аризани кўриб чиқища Қўмита ёпиқ мажлислар ўтказади. Қўмита аризани ўрганганидан сўнг ўзининг таклифлари ва тавсияларини (агар улар мавжуд бўлса) тегишли иштирок этувчи давлатга ва аризачига юборади.

6-модда

Агар Қўмита иштирок этувчи давлат томонидан Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган хукуқлар жиддий ёки мунтазам бузилаётганлиги тўғрисида ишонарли ахборот олган бўлса, у ушбу иштирок этувчи давлатга мазкур ахборотни ўрганиш бўйича ҳамкорлик қилишни

1 Дискреция хукуки (инглизча “discretionary power”) — ўз хошичча, аник мажбуриятларга боғлиқ бўлмаган ҳолда иш кўриш имконини берадиган кенг ваколатлар.

таклиф этади ва шу мақсадда тегишли ахборот муносабати билан фикр билдиришиң сўрайди.

3. Тегишли иштирок этувчи давлат томонидан тақдим этилиши мумкин бўлган ҳар қандай фикрларни, шунингдек Кўмитанинг ўзида мавжуд бўлган ҳар қандай бошқа ишонарли ахборотни ҳисобга олган ҳолда Кўмита ўзининг бир ёки бир нечта аъзосига текшириш ўтказиш ва Кўмитага шошилинч маъруза тақдим этишни топшириши мумкин. Мақбул бўлган ҳолатларда ва иштирок этувчи давлатнинг розилиги билан текшириш унинг худудини ҳам қамраб олиши мумкин.

3. Кўмита бундай текшириш натижаларини ўрганганидан сўнг бу натижаларни тегишли иштирок этувчи давлатга бошқа ҳар қандай изоҳлар ва ҳар қандай тавсиялар билан бирга юборади.

4. Иштирок этувчи давлат Кўмита томонидан юборилган изоҳлар ва тавсияларни олганидан сўнг олти ой ичida ўз фикрларини Кўмитага тақдим этади.

5. Бундай текшириш махфий тартибда ўтказилади ва жараённинг барча босқичларида иштирок этувчи давлатга ҳамкорлик қилиш тўғрисида мурожаат қилиш назарда тутилади.

7-модда

1. Кўмита тегишли иштирок этувчи давлатга Конвенциянинг 35-моддасида кўзда тутилган ўз маъруzasига ушбу Протокол 6-моддасига мувофиқ ўтказилган текширишга жавоб тартибида кўрилган ҳар қандай чоралар тўғрисидаги маълумотни киритишни таклиф этиши мумкин.

2. Кўмита зарурат бўлса, 6-модда 4-бандида қайд этилган олти ойлик муддат ўтгач, тегишли иштирок этувчи давлатга ана шундай текширишга жавоб тартибида қабул қилинган чоралар тўғрисида хабардор қилишни таклиф этиши мумкин.

8-модда

Ҳар бир иштирок этувчи давлат ушбу протоколни имзолаш, ратификация қилиш ёки унга қўшилиш вақтида Кўмитанинг 6- ва 7-моддаларда кўзда тутилган ваколатини тан олмаслиги тўғрисида эълон қилиши мумкин.

9-модда

Ушбу Протоколнинг депозитарийи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳисобланади.

10-модда

Ушбу Протокол Конвенцияни имзолаган барча давлатлар ва мінтақавий интеграция ташкилотлари томонидан имзолаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида 2007 йил 30 марта очик.

11-модда

Ушбу Протокол Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган давлатлар томонидан ратификация қилиниши керак. У Конвенцияни расмий тасдиқлаган ёки унга қўшилган мінтақавий интеграция ташкилотлари томонидан расман тасдиқланиши керак. У Конвенцияни ратификация килган, расман тасдиқлаган ва ушбу Протоколни имзоламаган ҳар қандай давлат ёки мінтақавий интеграция ташкилотлари учун очик.

12-модда

1. “Мінтақавий интеграция ташкилоти” муайян мінтақанинг суверен давлатлари томонидан ташкил этилган, унга аъзо давлатлар Конвенция ва ушбу Протокол тартибга соладиган масалалар бўйича ваколат берган ташкилотни англатади. Бундай ташкилотлар ўзларининг хужжатларида Конвенция ва ушбу Протокол тартибга соладиган масалаларга нисбатан ўз ваколатлари ҳажмини расмий тасдиқлашларини ёки бунга қўшилишларини кўрсатади. Кейинчалик улар депозитарийни ўз ваколатлари ҳажмидаги ҳар қандай жиддий ўзгаришлар тўғрисида хабардор қиласди.

2. Ушбу Протоколдаги “иштирок этувчи давлатлар” қайдлари бундай ташкилотларга уларнинг ваколати доирасида тааллуқлидир.

3. Ушбу Протоколнинг 13-моддаси 1-банди ҳамда 15-моддаси 2-банди мақсадлари учун мінтақавий интеграция ташкилотлари томонидан сақлаш учун топширган бирорта хужжат ҳисобга олинмайди.

4. Мінтақавий интеграция ташкилотлари ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда иштирок этувчи ташкилотларнинг кенгашида ушбу Протокол иштирокчилари бўлган иштирок этувчи давлатларнинг сонига тенг бўлган овозлар сони бўйича овоз бериш юзасидан ўз хукуқини амалга

оширишлари мумкин. Бундай ташкилот агар унга аъзо бўлган қайсиdir бир давлат ўз овоз бериш ҳукуқини амалга ошираётган бўлса, ўзининг овоз бериш ҳукуқини амалга оширмайди ва аксинча.

13-модда

1. Конвенция кучга кирган ҳолатда ушбу Протокол сақлаш учун ўнинчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат топширилгандан кейинги ўттизинчи кун кучга киради.

2. Ушбу Протокол уни ратификация килган ҳар бир давлат ёки минтақавий интеграция ташкилоти учун улар буни расман тасдиқлаганликлари ёки унга қўшилганликлари тўғрисида ана шундай ўнинчи ҳужжатни сақлашга топширганларидан кейинги ўттизинчи кун кучга киради.

14-модда

Ушбу Протоколнинг обьекти ва мақсадига мос бўлмаган қўшимчаларга йўл қўйилмайди.

2. Қўшимчалар хоҳлаган вақтда олиб ташланиши мумкин.

15-модда

Ҳар қандай иштирок этувчи давлат ушбу Протоколга тузатиш киритишни таклиф этиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб таклиф этилган ҳар қандай тузатишни иштирок этувчи давлатларга маълум қиласи ҳамда улардан ушбу таклифни кўриб чиқиши ва бу тўғрисида қарор қабул қилиш учун иштирок этувчи давлатлар кенгашини ўтказиш тарафдори эканликлари тўғрисида хабардор қилишларини сўрайди. Бу хақда маълум қилинган санадан кейин тўрт ой мобайнida иштирок этувчи давлатларнинг камидан учдан бир қисми бундай кенгаш ўтказишни ёқлаб чиқса, Бош котиб кенгашни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига чақиради. Кенгашда хозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик томонидан маъқулланган ҳар қандай тузатиш Бош котиб томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун, сўнг барча иштирок этувчи давлатларга қабул қилиш учун юборилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маъқулланган ва тасдиқланган тузатиш уни қабул қилиш тўғрисидаги сақлаш учун топширилган

хужжатларнинг сони иштирок этувчи давлатлар учдан икки қисмига етганидан кейин ушбу тузатиш маъқулланган санадан кейинги ўттизинчи кун кучга киради. Шундан кейин тузатиш ҳар бир иштирок этувчи давлат учун у томонидан тузатишни қабул қилганлиги тўғрисидаги ҳужжатини сақлашга топширганидан кейинги ўттизинчи кун кучга киради. Тузатиш фақат уни қабул қилган иштирок этувчи давлатлар учун мажбурийдир.

16-модда

Иштирок этувчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ёзма равишда хабардор қилиш орқали ушбу Протоколни денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб томонидан ана шундай билдирги олинган санадан бир йил ўтгач кучга киради.

17-модда

Ушбу Протокол матни фойдаланиш имконияти бўлган шаклда бўлиши таъминланиши керак.

18-модда

Ушбу Протоколнинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидағи матнлари тенг аутентдир.

УШБУНИ ТАСДИКЛАШ МАҚСАДИДА ўзларининг тегишли хукуматлари томонидан зарур даражада ваколатга эга бўлган қуйида имзо чеккан тўла ваколатли вакиллар ушбу Протоколни имзолади.

Масъул муҳаррир:

А. Саидов — юридик фанлари доктори, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори.

Таржимон:

Э. Эрназаров — “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналиниг бош муҳаррир мувонини

Босишига рухсат этилди: 22.11.2013.

Қоғоз формати 60 x 84 1/16

Адади 1000.

Нашриёт уйи МЧЖ «BAKTRIA PRESS»

лицензия АI № 203 28.08.2011 й., АI № 229 16.11.2012 й.

Манзил: 100000, Ташкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25

Тел: +998 (71) 233-2384

Mega Basim босмахонасида чоп этилди

Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey

www.mega.com.tr